

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ДАК раиси

*Шермухамедов Ш*  
"14" ~~июль~~ 2019 йил

Менежмент каф. мудири

*С. Абдуназаров*  
"14" ~~06~~ 2019 йил

**ТУШУНТИРИШ ҚИСМИ**

Мавзу: Авторанспорт корхоналари ишчи ва хизматчилари  
меҳнатига иш хақи тўлаш механизминини такомиллаштириш  
("Ягуарсервис" шубба корхонаси мисолида)

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ ТАРКИБИ**

Тушунтириш қисми \_\_\_\_\_ <sup>40</sup> \_\_\_\_\_ бет  
График қисми \_\_\_\_\_ <sup>5</sup> \_\_\_\_\_ варақ

Талаба: Нарзуллаев Фуркат

Битирув малакавий иши раҳбари: Ф. Обидова

**ҚИСМЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИЛАР:**

1. Назарий қисм..... *Ф. Обидова* Ф. Обидова
2. Таҳлил қисми..... *Ф. Обидова* Ф. Обидова
3. Хулоса қисми..... *Ф. Обидова* Ф. Обидова
4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ..... *М. Тиркашева* М. Тиркашева

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

СЕРВИС ФАКУЛЬТЕТИ  
“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

ТАСДИҚЛАЙМАН

“МЕНЕЖМЕНТ”

кафедраси муdiri *Abdunazarov* С. Абдуназаров

“26” 12 2018 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА

*ТОПШИРИҚ*

Талаба: Нарзуллаев Фуркат  
(Ф.И.Ш)

1. **Битирув малакавий ишининг мавзуси** : Авторанспорт корхоналари ишчи ва хизматчилари меҳнатига иш ҳақи тўлаш механизмни такомиллаштириш (“Ягуарсервис” шўба корхонаси мисолида)

Битирув малакавий иши мавзуси институт ректорининг 2018 йил “26” декабрдаги № 496-Т сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув малакавий ишини топшириш муддати 26 июн 2019 йил

3. Битирув малакавий ишини бажаришга доир маълумотлар: амалдаги битирув малакавий ишини бажариш учун меърий хужжатлар, ўқув қўлланмалари ва битирув олди амалиётида тўпланган маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг асарлари БМИда ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунилари, меърий хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси, корхона 2016-2018 йиллик бухгалтерия ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилди.











4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): Кириш. I-Боб. Ишчи ва хизматчиларни меҳнатига иш ҳақи тўлашнинг назарий асосланиши.

II-Боб. “Ягуар сервис” шўба корхонасининг тавсифномаси. III-боб. Авторанспорт корхоналари ишчи ва хизматчилари меҳнатига иш ҳақи тўлашнинг таҳлили. Хулоса ва таклифлар. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.


5. Чизма ишлар рўйхати чизмалар номи аниқ кўрсатилади. Иш ҳақининг моҳияти ва унинг функциялари. Иш ҳақининг шакл ва тизимлари ҳамда унинг кўрсаткичлари “Ягуар сервис” шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги асосий техник - иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили. “Ягуар

Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги меҳнат ресурслари таҳлили. "Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги иш ҳақи умумий ҳажми ва даражаси таҳлили.

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар:

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчининг Ф.И.Ш.	Топшириқ берилганлиги ҳақида белги (имзо, сана)	Топшириқни бажаришганлиги ҳақида белги (имзо, сана)
1.	I-боб назарий қисм	Ф.Обидова		
2.	II -боб корхонага тавсифнома қисми	Ф.Обидова		
3.	III -боб таҳлил қисми	Ф.Обидова		
4.	Хулоса қисми	Ф.Обидова		
5.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	М.Тирқашева		

7. Битирув малакавий ишининг бажарилиш режаси:

№	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати (сана)	Текширувлан ўтганлиги белгиси (имзо)
1.	I-боб назарий қисм	07.01.19-02.03.19	
2.	II -боб корхонага тавсифнома қисми	04.03.19-11.05.19	
3.	III -боб таҳлил қисми	13.05.19-01.06.19	
4.	Хулоса қисми	03.06.19-12.06.19	
5.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	13.06.19-22.06.19	

Битирув малакавий иши раҳбари:

Ф.Обидова  
(фамилияси, исми шарифи)



Топшириқни бажаришга олдим:

Ф.Нарзуллаев  
(тақаллибнинг фамилияси, исми шарифи)



Топшириқ берилган сана:

"11" 01. 2019 йил

## МУНДАРИЖА

т/с	Бўлим номи	Бет
	КИРИШ	2
1-БОБ.	Ишчи ва хизматчиларни меҳнатига иш ҳақи тўлашнинг назарий асосланиши.	3
1.1.	Автомобиль транспорт корхонасида меҳнат салоҳиятининг ҳолатини ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.	3
1.2.	Автомобиль транспорт корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шакллари.	15
1.3.	Автомобиль транспорти ходимларига иш ҳақи тўловларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш йўллари.	21
2- БОБ.	"Ягуар сервис" шўба корхонасининг тавсифномаси	27
2.1.	"Ягуар сервис"шўба корхонасининг структураси ва тарихи.	27
2.2.	"Ягуар сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги асосий техник -иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили.	37
2.3.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	46
3- БОБ.	Авторанспорт корхоналари ишчи ва хизматчилари меҳнатига иш ҳақи тўлашнинг таҳлили.	48
3.1.	"Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги меҳнат ресурслари таҳлили.	48
3.2.	"Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги иш ҳақи умумий хажми ва даражаси таҳлили.	56
3.3.	"Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йилларидаги молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили.	67
	ХУЛОСА	68
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	72
	ИЛОВА №1	74
	ИЛОВА №2	

## Кириш

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ўрни ички маҳсулот таркибида анча юқори. Шу сабабли, республикада хизмат кўрсатувчи корхоналар фаолиятини ташкил қилиш ва жаҳон тажрибаси такомиллаштириш долзарб муаммолардан ҳисобланади. Хизмат кўрсатувчи корхоналар иқтисодиётни ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон республикаси бошқа ривожланган мамлакатларга қис қилганимизда анчагина янги ва ёш давлат ҳисобланади. Лекин бугунги кунда унинг эришган ютуқлари мақтовга лойиқдир. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги заруратини қуйидагилар орқали белгилш мумкин: аҳолининг юқори сифатли хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга кўмаклашиш, аҳолига сифатли транспорт хизматларини кўрсатиш.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 7-февралда 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” номли учинчи йўналишида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланган<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатда амалга оширилаётган асосий устувор вазифалардан бири–бозор муносабатларини чуқурлаштириш орқали иқтисодиётни ривожлантиришдан иборатдир. Айнан, товарлар ва хизматлар

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. 7 б.

бозори, уларнинг самарали фаолияткўрсатиши, бир томондан истеъмолчилар, яъни аҳоли турмуш даражаси васифатини оширишнинг муҳим воситаси бўлса, иккинчи томондан ушбу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи субъектларнинг доимий, узлуксиз фаолият юритиши, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун барча зарур шароитларни яратиб беради. Аҳолининг турли-тумантоварларга ва хизматларга бўлган ҳамда тобора ўсиб ва кенгайиб бораётган эҳтиёжларини имкон қадар тўлароқ қондириш мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

**Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги :** Иш ҳақини ташкил этишнинг бозор моделида марказий бўғин меҳнатга ҳақ тўлашни жамоа-шартномавий бошқарув тизимидан иборат. Бу тизим турли даражада алоҳида корхона даражасида иш берувчилар ташкилотлари билан касаба уюшмалари ўртасидаги бевосита музокаралар асосида меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорларига кўпдан кўп омилларини акс эттириш имконини беради. Бу омиллар иқтисодиёт самарадорлигининг умумий ўсиши таъсирида жамиятда зарур маҳсулот миқдорининг ўзгаришидан; иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари эришадиган самарадорликдаги фарқлар таъсири остида ишчи кучига бўлган талабдан; меҳнат бозоридан таклиф қилинаётган ишчи кучининг миқдоридан ва бошқаларидан иборатдир. Иш ҳақини ислоҳ қилиш ишчи кучининг баҳоси сифатида ташкил этиш механизмнинг яратилган ҳолда мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарни киритиш хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш зарурдир.

**Битирув маакавий ишининг мақсади ва вазифалари:** Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинади. Хизмат кўрсатиш корхоналарида иш ҳақини такомиллаштириш йўналишларини белгилаш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ҳаёт фаолияти қисмида корхона ишларини олиб бориш жараёнида алоҳида бир иш тури учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги масалалари кўрилган. Автомобил транспортида иш

хақи иқтисодиётнинг бошқа ишлаб чиқариш соҳаларидаги каби хизматчиларнинг асосий даромад манбаи бўлиб, улар турмуш фаровонлигини оширишга қаратилгандир. 1980 йилларнинг охирида муаллифлар А.А.Невелева, В.И.Козырев ва А.П.Ковалев томонидан ўрганилган бўлиб, ҳозирги вақтда кенг қўлланилмоқда. Иш ҳақини меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тўлашни ташкил этиш, иш ҳақи харажатлари ва меҳнат унумдорлиги ўсиш суъратлари ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаш, белгиланган иш ҳақи фондига қатъиян риоя қилиш борасидаги масалаларга мамлакатимиз олимлари Ғ.М.Қосимов, Ж.П. Нарзиев, М.А. Икромов, Н.Р. Дадабоев, М.М. Тоирова ва бошқа бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

**Муаммонинг ишлаб чиқилиш даражаси:** Муаммонинг ишлаб чиқиш ва ўрганиш жараёнида шунианглаб етдим-ки, транспорт корхоналарида ҳайдовчиларнинг қийинлашган йўналишидаги меҳнат фаолиятларида ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг белгиланган катталиги иш берувчилар ва улар (ҳайдовчилар) ўртасидаги тузилган шартнома асосида амалга оширилиши, шунингдек ишловчилар жамоавий шартнома ва яқка ҳолатдаги меҳнат шартномасини ҳам қайд қилинишига эришишилари, йўловчи автотранспорт корхоналарини ҳайдовчи ходимлар билан таъминланиши, асосан давлат корхоналарини йўловчилар ташишдаги доимий йўналишдаги таҳлили, ҳайдовчи ходимлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг даражаси ва тизимидан қоникмасликлари кўзга ташланмоқда. Бу борада мамлакатимиз олимлари Қ.Ҳ.Абдурахмонов, Ё.Абдуллаев, Н.Қ.Йўлдошев, Ш.Н.Зайнутдинов, Н.М.Махсудов, Д.Н.Рахимова, Н.Ходжаев ва бошқа бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

**Битирув малакавий ишининг предмети:** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Ягуар Сервис” шўъба корхонасида иш ҳақини илмий асосда ташкил этиш ва такомиллаштириш битирув малакавий ишининг предмети ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг объекти:** “Ягуар Сервис” шўъба корхонаси ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти:** Авторанспорт корхоналари ишчи ва хизматчилари меҳнатига иш ҳақи тўлаш механизмини такомиллаштириш (“Ягуарсервис” шўъба корхонаси мисолида) ўз самарасини бериши мумкин



## **I.боб: Ишчи ва хизматчиларни меҳнатига иш ҳақи тўлашнинг назарий асосланиши.**

### **1. 1. Автомобиль транспорт корхонасида меҳнат салоҳиятининг ҳолатини ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.**

*Салоҳият (потенциал)* тушунчасининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб (*potentia*), имконият, куч-қувват, яшириш имконият маъносини англатади. Луғат ва қўлланмаларда у мавжуд ва ҳаракатга келтирилиши, маълум бир мақсадларга эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлган восита, захира, манба деб кўрсатилган.

**Кадрлар салоҳияти** - меҳнат ресурсларининг умумий сони ва жинси, ёши, маълумоти, касбий кўникмалари, корxonанинг у ёки бу бўғинларида ва жамоатчилик ишлаб чиқаришида қатнашиши билан ифодаланувчи меҳнат ресурслари ёки имкониятларини ифодалайди. Кадрлар салоҳияти жамият меҳнат салоҳиятининг таркибий қисмидир.

**Кадрлар** корхонада меҳнат билан банд бўлган ҳамда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий–малакавий гуруҳлардаги ходимлар мажмуасидир. Корxonанинг **меҳнат ресурслари** унинг ишчи кучини тавсифлайди. **Корхона персонали** доимий ва ёлланиб ишловчи, малакали ва малакасиз барча ходимлардан иборат бўлган шахсий таркибни изоҳлайди.

Ишлаб чиқаришдаги асосий «шахс», иқтисодиёт назариясида талқин қилинишича, **ишчи кучи** - инсоннинг меҳнат қилишга жисмоний ва ақлий қобилиятлари ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитларида меҳнат қобилияти, ишчи кучини товар ҳолига келтиради. Бироқ бу оддий товар эмас. Унинг бошқа товарлардан фарқи шундаки, биринчидан, у ўз қийматидан ортиқ бўлган қиймат яратади, иккинчидан, уни жалб қилмасдан бирон-бир ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш мумкин эмас, учинчидан, асоий фондлар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси, хўжалик юритиш иқтисодиёти кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлади.

Корхона ходимларининг рўйхат бўйича таркиби замонавий таснифи бўйича қуйидагиларни ўз ичига олади:

\* **ишлаб чиқариш ходимлари (С.ИЧ.П)** – ҳайдовчилар, таъмирловчи ва техник хизмат кўрсатувчи ишчилар, диспетчерлик ва ҳисоблаш маркази ходимлари. Ўз навбатида ишлаб чиқариш ходимлари ҳам асосий ва ёрдамчи ходимларга бўлинади.

\* **ноишлаб чиқариш ходимари** - уй-жой, коммунал ва ёрдамчи хўжаликларда, соғлиқни сақлаш, профилактика ва таълим муассасаларида фаолият юритувчи ходимлар;

\* **маъмурий бошқарув ходимлари** - директор, директор ўринбосарлари, бош муҳандис, бош механик, мутахассислар, бўлим ва хизмат бошлиқлари, яъни муҳандис-техник ходимлар (МТХ);

\* **хизматчилар** - хужжатларни тайёрлаш, ҳисоб-китоб ва назорат қилиш, хўжалик хизмати ходимлари (агентлар, ғазначилар, иш юритувчилар, котиблар, статистлар ва ҳоказо).

Ходимлар сони деганда корхонада банд бўлган барча ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони тушунилади. Бу икки кўринишда бўлади:

1. Рўйхатдаги ходимлар сони.

2. Ишга келган ходимлар сони.

Рўйхатдаги ходимлар сони деганда корхона рўйхатига киритилган доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишлайдиган ҳамда шу корхонадан маош оладиган барча ходимлар тушунилади. Буларнинг таркибига қуйидагилар киради:

1) ҳақиқатда ишлаётганлар;

2) вақтинча хизмат сафарида, навбатдаги меҳнат таътилида, декрет таътилида юрганлар;

3) касаллиги туфайли ишга келмаганлар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар топшириқларини бажариш мақсадида бошқа ишни қилаётганлар; маъмурият рухсати билан келмаганлар, байрам ва дам олиш кунлари ишлаганлиги учун таътилда юрганлар, сабабсиз ишга келмаганлар.

Булардан ташқари, қишлоқ хўжалик ишларига вақтинча жалб қилинганлар, малака оширишда ўқиётганлар, ўқиш учун таътилга чиқиб,

навбатдаги сессиясини топшираётганлар ҳам шу корхонада вақтинча ишламасада, унинг рўйхатдаги ходимлар сонига киради.

Шундай ходимлар борки, улар шу корхонада маълум даражада фаолият кўрсатади, аммо рўйхатдаги ходимлар сонига кирмайди. Булар жумласига шу корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган, лекин ишга қабул қилинмаган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларини, корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишни бажаришга 5 кунгача қабул қилинган ходимларни, шу корхонада ўриндошликда ишлаётганларни ва бошқа шунга ўхшаш тоифадаги ходимларни киритиш мумкин.

Амалиётда, айниқса, таҳлил қилишда ўртача рўйхатдаги ходимлар сони деган кўрсаткич ҳам ишлатилади. Бу бир ойга, бир чоракка, ярим йилга, тўққиз ойга ва бир йилга ҳисобланиши мумкин. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун корхонадаги рўйхатдаги ходимлар сонининг ҳар бир кунлигини қўшиб, ҳисобланаётган даврдаги тақвим кунлари сонига бўламиз. Масалан, бир ойлик ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини топмоқчи бўлсак, шу ой мобайнида дам олиш ва байрам кунларини ҳам қўшган ҳолда рўйхатдаги ходимларнинг ҳар кунлигини жамлаб чиқамиз ва чиққан натижани шу ойдаги тақвим кунлари сонига бўламиз.

Ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини бир чорак муддатга аниқлаш учун уч ойлик ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини қўшиб, учга бўлиш кифоя. Олти ойликни топиш учун олти ойлик ўртачани қўшиб, олтига бўлинади ва ҳ. к.

Ушбу кўрсаткич корхонада таҳлил қилинаётган даврда меҳнат унумдорлигининг даражасини ва бошқа самарадорлик билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқдаш учун қўлланилади.

Ишга келган ходимлар сони бир тақвим кунида фақат ишга келган ходимлардан иборатдир. Агар шу корхонанинг рўйхатида бўлсада, у ёки бу сабаб билан ишга келмаса, ишга келган ходимлар сонига қўшилмайди. Бу

кўрсаткичлар ҳам ўртача бир ой, бир чорак, ярим йил, тўққиз ой ва бир йилга ҳисобланиши мумкин.

Бир ойлик ўртача ишга келган ходимлар сонини топиш учун ҳар иш кунда ишга келган ходимлар сонини қўшиб, шу ойдаги иш кунларига бўлиш кифоя. Агар ушбу кўрсаткични бир чоракка топиш лозим бўлса, ўртача арифметик усулдан фойдаланиб, уч ойлик ўртача ишга келган ходимлар сонини қўшиб учга бўлинади. Шу тарика бошқа даврларга ҳам аниқлаш мумкин.

Ушбу кўрсаткич ҳам корхонанинг меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун қўлланилади. Лекин шу кўрсаткич билан аниқланган меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигининг ҳақиқий миқдорини ифодамайди. Бозор муносабатлари шароитида корхона ишининг ҳақиқий натижасини аниқлаш учун ушбу кўрсаткич муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳар бир тадбиркор, ишбилармон ёки менежер келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш йўллари, уларнинг ҳисобланиш усуллари, қўлланилиш доирасини, асл моҳиятини билиши лозим. Шундагина у корхонада банд бўлган ходимлар сони, уларнинг ўзгариши ва улардан самарали фойдаланиш йўллари тўғри таҳлил қилиши мумкин.

Кадрлар салоҳияти миқдорий тавсиф беришдан ташқари корхона персоналининг сифат тавсифи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у корхона ходимларининг мазкур ишлаб чиқаришга касбий ва малакавий жиҳатдан яроқлилик даражаси билан аниқланади. Бу ерда биринчи ўринга “мутахассислик”, “касб”, “малака ” каби тушунчалар чиқади.

**Мутахассислик** инсонда маълум бир турдаги ишларни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги билан тавсифланади. Масалан, иқтисодчи, бухгалтер, молиячи ёки техник тилда - механик, қурувчи, энергетик, геолог ва бошқалар. Ишчиларнинг билим ва қобилиятларига бўлган талаб ягона тариф-малакавий маълумотномасида (ЯТММ), (МТП) ва хизматчиларга эса лавозимлар малакаси маълумотномада

акс эттирилган. Бу ҳужжатлар асосида корхоналар ишчи ва хизматчилар тарифларига ўзгартиришлар киритадилар.

**Касб**–фаолиятнинг махсус ва тор кўринишдаги тури бўлиб, мутахассислик каби назарий билим ва амалий кўникмаларни талаб қилсада, мутахассисликдан фарқли равишда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўшимча кўникмаларни ҳам талаб қилади.

**Малака** деганда бирон-бир касб ёки мутахассилик бўйича мураккаб ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат кўникмалари ва билимлар даражаси тушунилади. Ишчилар малакаси даражасини баҳолашда ўртача тариф коэффициенти ва ўртача тариф разряди ҳисобланади. Тариф разрядлари ва коэффициентлари бир вақтнинг ўзида бажарилаётган ишлар мураккаблигини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг жорий ва истиқболдаги стратегияси **кадрлар сиёсати** билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- \* ишчи кучини ёллаш, жойлаштириш ва режалаштириш;
- \* ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- \* кадрларни хизмат лавозимлари бўйича юқори поғонага кўтариш;
- \* ёллаш шартлари, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шароитлари;
- \* меҳнат жамоасида қулай руҳий (психологик) муҳитни яратиш.

Корхонанинг кадрлар сиёсати амалиётда фақат ички вазифа ва муаммоларни ҳал қилишдан ташқари, бандлик соҳасида давлат сиёсатига таянади ва қуйидагиларни кўзда туттади:

- \* фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи ва касб танлаш эркинликларини амалга оширишда бир хил имкониятларга эга бўлишини таъминлаш;
- \* фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш қобилиятларини ривожлантиришга бандлик соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг бошқа йўналишлари билан уйғунлаштириш орқали кўмаклашиш ;

\* меҳнат фаолияти даврида ва нафақага чиққандан сўнг ҳам ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш;

\* аҳоли бандлиги муаммоларни ечишда, қўшма корхоналар тузиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан халқаро ҳамкорлик юритиш ва бошқалар.

Меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб, чунки меҳнат салоҳиятининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар иқтисодий мазмунга қараб уч гуруҳга бўлинади:


1. Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида куйдагиларни киритиш мумкин:

1. Меҳнат салоҳиятининг ўртача сони.
2. меҳнат салоҳиятининг таркиби.
3. меҳнат салоҳиятининг айланувчанлиги.
4. меҳнат салоҳиятининг қўнимсизлиги.
5. меҳнат салоҳиятининг турғунлиги.

Меҳнат салоҳиятининг ўртача сони таҳлил қилинаётган ҳисобот даврида аниқланади. Буни ҳисоблаш учун меҳнат салоҳиятининг давр бошидаги (Мс.дб) ва охиридаги (Мс.до) сони қўшилиб, иккига бўлинади:

$$\text{Мс.дб} + \text{Мс.до} \\ \text{Мс} = \frac{\text{Мс.дб} + \text{Мс.до}}{2} \quad (1.1.1)$$



1.1 -чизма. Меҳнат салоҳиятини ( $M_c$ ) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими<sup>2</sup>

Агар ҳисобат даврида меҳнат салоҳияти тўғрисидаги маълумот бир қанча вақтларда ифодаланган бўлса, у ҳолда барча кўрсаткичлар қўшилиб унинг сонига бўлинади:

$$M_c = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n M_{ci} \quad (1.1.2)$$

Меҳнат салоҳияти таркибини таҳлил қилганда ходимларни алоҳида категориялари бўйича аниқлаш лозим. Масалан, умумий меҳнат салоҳиятида олий маълумотли ходимлар ( $O_m$ ) улушини ёки ўрта махсус маълумотли ходимлар ( $U_m$ ) улуши ва кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

$$M_{c.T} = \frac{U_m}{M_c} \times 100 \quad (1.1.3) \quad M_{c.T} = \frac{O_m}{M_c} \quad (1.1.4)$$

Булардан ташқари, умумий меҳнат салоҳиятида бошқарув ходимлари улуши, муҳандис-техник ходимлар улуши ва кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин.

<sup>2</sup>Икромов И.З., Абдурахмонов А.М., Назаров М.Н., Автотранспорт иқтисоди ва бошқаруви. Ўқув қўлланма. Тошкент. ТАЙИ, 2003 й.

$$M_{c.T} = \frac{M_{c.i}}{M_c} \quad (1.1.5)$$

*бунда:*  
*M<sub>c.i</sub>- меҳнат салоҳиятининг алоҳида гуруҳлари.*

Меҳнат салоҳияти айланувчанлигини таҳлил қилиш ҳам ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга. ушбу кўрсаткични аниқлаш учун барча ишга қабул қилинган ходимларга (M<sub>c.к</sub>) ишдан бўшатишган ходимларни (M<sub>c.б</sub>) кўшиб, умумий меҳнат салоҳияти сонига бўламиз.

$$M_{c.ай} = (M_{c.к} + M_{c.б}) / M_c. \quad (1.1.6)$$

Ушбу кўрсаткични алоҳида ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатишган ходимлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$M_{c.айк} = M_{c.к} / M_c ; \quad (1.1.7) \quad M_{c.ай.б} = M_{c.б} / M_c \quad (1.1.8)$$

Меҳнат салоҳиятининг кўнимсизлиги умумий меҳнат салоҳиятида ишдан бўшатишган ходимларнинг улушини ифодалайди. Уларнинг таркибига ўз аризаси билан бўшаганлар ҳам киради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$M_{c.кўн} = M_{c.бўшат} / M_c. \quad (1.1.9)$$

Меҳнат салоҳиятининг турғунлиги ҳам унинг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Буни шу корхонада (фирмада, компанияда) уч йилдан ортиқ ишлаган ходимлар сонини ((M<sub>c.3й</sub>) меҳнат салоҳиятининг умумий миқорига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$M_{c.тур} = M_{c.3й} / M_c. \quad (1.1.10)$$

Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодалаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:

1. Меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлиги.
2. меҳнат салоҳияти сифими.
3. меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги.
4. айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги.



Меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлигини

(Мс.шж.там)аниқлаш учун бир қанча ҳисоб- китоблар қилиш мумкин. Энг аввало бу бўйича умумий кўрсаткични аниқлаш лозим. Бунинг учун меҳнат салоҳиятининг ҳақиқий миқдори (Мс.х) унинг штат жадвалидаги миқдорига (Мс.шж) бўлинади:

$$\text{Мс.шж.там} = \text{Мс.х} / \text{Мс.шж.}(1.1.11)$$

Меҳнат салоҳиятининг сиғими (Мс.сг) ҳам ушбу гуруҳга кирувчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Унинг аниқлаш учун меҳнат салоҳияти миқдорини (Мс) яратилган (сотилган) маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг (Q) миқдорига бўлинади:

$$\text{Мс.сг} = \text{Мс} / \text{Q}(1.1.12)$$

Меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги ёки асосий воситалар фаол қисмининг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки жаҳонда илмий-техника тараққиёти жадал ривожланаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳам орқада қолмаслиги, шу ютуқ томон интилиб яшаши лозим. Бу эса меҳнатнинг энг илғор техника ва технология билан қуролланишини тақозо қилади. Шу туфайли ушбу кўрсаткични ҳар бир корхонада аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим. Буни аниқлаш учун асосий воситаларнинг фаол қисми (Ав.ф) меҳнат салоҳияти миқдорига (Мс) бўлинади ёки тескариси:

$$\text{МС.к} = \text{Ав.ф} / \text{Мс} \quad \text{ёки} \quad \text{МС.т} = \text{Мс} / \text{Ав.ф.}(1.1.13)$$

Айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги (Айм.Мс) ҳам меҳнат салоҳиятини таҳлил қилишда ва бошқа уўрсаткичлар ўзганишига шу билан боғлиқ омилларнинг таъсирини аниқлашда қўлланилади. Буни аниқлаш учун меҳнат салоҳияти миқдорини (Мс) айланма маблағлар ҳажмига (Айм) бўлиш лозим:

$$\text{Айм.Мс} = \text{Мс} / \text{Айм}(1.1.14)$$

Меҳнат унумдорлиги ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатдан фойдаланиш даражасини белгиловчи самарадорлик, ишнинг унумдорлигидир.

Меҳнат унумдорилиги дейилганда маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат харажатлари даражаси ёки вақт бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори тушинилади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши иш вақти бирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининг ошиши билан белгиланади. Шунда маҳсулот бирлигига сарфланган меҳнат харажатлари тежалган бўлади.

Ҳар бир корхонада меҳнат унумдорлигини аниқлашда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ходимларнинг барча маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат харажатлари биргаликда ҳисоблаб борилади.

Маълумки, автомобил транспортида маҳсулот ишлаб чиқарувчи асосий ишчилар, бу - ҳайдовчилардир. Шунинг учун меҳнат унумдорилиги даражасини аниқ тасвирлаш учун бажариладиган ҳисобларни икки йўналишда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шу муносабат билан автотранспорт корхоналарида меҳнат унумдорилиги ҳар бир ишловчига ва ҳар бир ҳайдовчига тўғри келадиган маҳсулот ёки даромад билан аниқланади.

Автомобил транспортида меҳнат унумдорилигини ҳисоблашда тўрт хил усулдан фойдаланилади:

- натурал кўрсаткич усули;
- шартли натурал кўрсаткич усули;
- пул даромади усули;
- меъёрлаштирилган вақт усули.

Кўрсатилган ўар бир усулнинг ўзига хос томонлари бор.

Автомобил транспортида меҳнат унумдорилигини аниқлаш борасида автомобил транспорти корхоналарини икки турга, яъни юк ва йуловчи автомобил транспорти корхоналари ва аралаш автомобил транспорти кохонларига ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Автомобил транспорти корхоналарида меҳнат унумдорилигини натурал кўрсаткичи куйидагича ҳисобланади:

$$W_{\text{ишл}}^{\text{и}} = \sum P / N_{\text{ишл}} \quad (1.1.15)$$

$\sum P$  - бажарилган транспорт иши, тонна-километрда ёки йуловчи километрда;

$N_{\text{ишл}}$ -ишловчилар сони.

Лекин ҳайдовчилар ва автомобил транспорти корхонасидаги барча ишловчиларнинг меҳнат унумдорлигини бу усулда аниқлашнинг муҳим бир камчилиги бор, меҳнат унумдорлиги бу усулда аниқланаётганда маълум масофага ташилаётган юк массаси ёки йуловчи сонидан иборат кўрсаткич ҳисобга олинмайди.

Аралаш автомобил транспорти корхоналарида меҳнат унумдорлигини ёлғиз натурал кўрсаткичларда ўлчаб булмайди. Чунки ишлаб чиқариш дастури умумий якунлари аниқланаётганда камида икки натурал кўрсаткичдан тонна-километр ва автомобил соатдан ёки йуловчи километр ва таксиларда ҳақ тўланадиган километрдан фойдаланилади. Бундай ҳолларда меҳнат унумдорлиги шартли натурал кўрсаткич, яъни келтирилган тонна-километрда аниқланади.

Меҳнат унумдорлигини келтирилган тонна-километрларда аниқлаш шунга асосланганки, ташилган тонна миқдори билан тонна-километрлар ҳисобида бажарилган иш ўртасидаги нисбат, турли масофаларга юк ташишда, автомобилларга юк ортиш ва тушириш ишларини бажариш вақтида канча тургани билан, автомобиллар иш куни давомида канча вақт йул босгани ўртасидаги нисбат билан аниқланади.

Юкларни ташиш масофаси ортиши билан, автомобил ҳаракат вақтининг иш вақти умумий балансидаги салмоғи ортади, юк ортиш ва тушириш вақтида эса, туриш вақти тегишлича камаяди. Бу транспорт ишларини тонна-километрлар ҳисобига купайганини, тонналар ҳисобида юк ташиш хажми камайганини кўрсатади. Келтирилган тонна километрлар аралаш автомобил транспорти корхоналарида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда ишлатилади. Лекин ҳисоблашнинг бу усули бир хил юк ва

йуловчи ташийдиган корхоналарда ҳам таҳлил қилиш мақсадларида кўлланиши мумкин.

Меҳнат унумдорлигини шартли натурал кўрсаткичи қуйидагича ифодаланади.

$$W_{и}^{ш} = \sum P_{шарт} / N_{ишл} (1.1.16)$$

$$W_{х}^{ш} = \sum P_{шарт} / N_{хай} (1.1.17)$$

бу ерда:

$\sum P_{шарт}$ - шартли натурал кўрсаткич, келтирилган тонна километр

Шартли натурал кўрсаткич қуйидагича аниқланади.

$$P_{шарт} = P_{т.км} + Q_{т} K_{келт.} (1.1.18)$$

бу ерда;

$Q_{т}$ -ташилган юк ҳажми, тонна.

$K_{келт.}$ -келтириш коэффиенти.

Келтириш коэффиенти орқали шартли равишда ташилган юк ҳажмини, йуловчи километрни, йуловчилар сонини, автомобил соатини ткм-га айлантиради.

Меҳнат унумдорлигини пул даромад усулида аниқланиши қуйидагичадир:

$$W_{ишл}^{д} = \sum D_{ум} / N_{ишл} (1.1.19)$$

$$W_{хай}^{д} = \sum D_{ум} / N_{хай} (1.1.20)$$

бу ерда: Дум - умумий даромад, сум;

Нишл- корхонадаги барча ишловчилар сони, киши;

Нхай-ҳайдовчилар сони, киши;

Лекин бу усул билан меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг бир қанча камчиликлари бор. Улардан асосийлари қуйидагилардир:

- пул ҳисобида олинувчи маҳсулотларга қилинадиган меҳнат сарфларининг ҳар хиллиги:

- айрим корхона ишлари билан боғлиқ бўлмаган кўрсаткичлар ўзгариши натижасида даромадларнинг ўзгариши:

- юк ва йуловчи ташиши учун белгиланган тарифларнинг узгариши:

- меҳнат унумдорлигининг йиллар мобайнида ўзгаришини аниқлашнинг пухта эмаслиги ва ҳ.к..

Меҳнат унумдорлигини муттасил ошира боришга эришиш автомобил транспорти корхоналари ишловчиларининг муҳим вазифасидир. Автомобил транспортида меҳнат унумдорлигини ошириш автомобилларда юк ва йуловчилар ташиш таннархининг камайишини таъминлайдиган энг муҳим омил бўлибгина қолмай, шу билан бирга халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ошишига таъсир қиладиган омилдир.

Автомобил транспортида меҳнат унумдорлигини, транспорт ва гараж ишларини механизациялаш ҳамда автоматлаштириш, замонавий техника билан қуроллантириш, ишлаб чиқаришда меҳнатнинг илғор усулларини ва фан ютуқларини жорий қилиш, ишчилар меҳнатини меъёрлаш ҳамда ойлик иш ҳақини ташкил этишни яхшилаш билан оширилади.

Янги техника меҳнат унумдорлигига икки хил таъсир кўрсатади, бир томондан, автомобил транспорти ишчиларининг, иккинчи томондан, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларда ишлаётган ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширади.

Автомобил транспортида меҳнат унумдорлигини ошириш омилларидан энг муҳими фан техника тараққиётини жадаллаштиришдир.

Юк кутариш қобилияти ва йуловчилар сизими катта, мустаҳкамлиги ва чидамлилиги оширилган, динамик ва иқтисодий Кўрсаткичлари юкори такомиллаштирилган ҳаракатланувчи воситаларни жорий этиш меҳнат унумдорлигини юкори даражада оширувчи омиллардир.

Меҳнат унумдорлигини оширишда корхона ички имкониятларини излаш ва улардан оқилона фойдаланиш ўам катта аўамиятга эга. Меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган омиллар тўрт гуруҳга булинади:

техникавий, ташкилий, бошқаришни такомиллаштириш ва ижтимоий-иқтисодий омиллар.

Кадрлар, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалар ҳисобланади. Ҳар бир корхонада меҳнат ва иш ҳақи бўйича режа тузилиб, унинг мақсадлари ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш заҳираларини топиш ва шу асосда меҳнат маҳсулдорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу режаларга кўра, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш ҳақи суръатларидан тезроқ ўсиши лозим.

**Меҳнат ҳақи** — бу жамият кўламида миллий даромаднинг ишчилар ва хизматчилар ўртасида улар меҳнатининг миқдори ва сифатига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмоли мақсадлари учун фойдаланиладиган қисмидир. Корхона меҳнатга ҳақ тўлашдан меҳнат унумдорлигини оширишни, фан техника тараққиёгини жадаллаштиришни, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Иш ҳақини ташкил этиш ва уларни шакллантиришдан асосий мақсад барча ходимларни иш ҳақи яқка ва коллектив меҳнат натижаларига тўғридантўғри боғлиқ бўлишига эришишдан, маҳнатга ҳақ тўлашга текисчилик элементларини бартараф этишдан иборат.

Иш ҳақининг моҳияти унинг ижтимоий ишлаб чиқариш босқичлари бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмоли қилишда бажарадиган функциялари (вазифалари) да намоён бўлади.

1. Такрорҳосил қилиш функцияси. У ходимларни, шунингдек, уларнинг оила аъзолари иш кучини такрорҳосил қилиш, авлодларни қайта кўпайтириш учун зарур бўлган ҳаётини ёматлар билан таъминлашдан иборат.

Унда эҳтиёжларнинг ортиб боришидан иборат иқтисодий қонун ўзифодасини топ ади.

Мазкур функция иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солиниши хусусиятлар

и,

ишҳақинингишқучинитақрорҳосилқилишнитаъминэтадиганмиқдориниконун  
ийдаражадабелгилашбиланмуштаҳкамбоғликдир.

2.

Рағбатлантирувчи функция. Унинг моҳияти ҳодимнинг ишҳақи унинг қуйидагим  
еҳнат ҳиссасига,

корхонанинг ишлаб чиқариш ҳужалик фаолиятинатижаларига боғлиқлигини бел  
гилашдани борат бўлиб,

бунда кўрсати бўтилган боғлиқлик ҳодимнинг ўз меҳнатинатижаларини доимий ра  
в ишда яхшилаб боришга қизиқтиришилозим.

3.

Ўлчов \_\_\_\_\_ -

таксимлаш функцияси. Бу функция истеъмол фондларини ёлланма ҳодим билани  
шлаб чиқариш воситалари эгаси ўртасида таксимлаш вақтида жонли меҳнат ўлчов  
ини акс эттириш учун мўлжалланган.

Ишҳақи воситасида ишлаб чиқариш жараёни ҳар бири штироқчисининг меҳнат ҳи  
ссасиги мувофиқ унинг истеъмол фондидаги алоҳида улуши аниқланади.

4.

Ресурсларни жойлаштириш функцияси. Мазкур функциянинг ҳозирги вақтдаги а  
ҳамияти жиддий равишда ошиб бормоқда.

Унинг моҳияти меҳнат ресурсларининг минтақалар,  
иқтисодий тармоқларива корхоналар бўйича қулай равишда жойлаштиришдани  
боратдир.

Меҳнат ресурсларини жойлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви энг кам дараж  
ага келтирилган шароитда,

меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишини шакллантириш фақат ҳар бир  
ёлланма ҳодимда ўз меҳнатини сарфлаш жойини танлашда эркинлик бўлган тақди  
рдагина турмушдаражасини оширишга интилиш,  
иш топиш мақсадида уни бошқаси билан алмаштириш нитақозоқилади,  
бу иш эса унинг эҳтиёжларини энг кўп даражада қондиришилозим.

## 5. Аҳолининг тўловга қобилиятли талабини шакллантириш функцияси.

Бу функциянинг вазифаси тўловга қобилиятли талабни мувофиқлаштиришдир, бундай талаб деганда харидорларнинг пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжларининг намоён бўлиш шакли тушунилади, шунингдек, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш назарда тутилади. Тўловга қобилиятли талаб икки асосий омил – жамиятнинг эҳтиёжлари ва даромадлари таъсирида шаклланади ва бозор шароитида иш ҳақи ёрдамида товарни таклиф қилиш билан талаб ўртасида зарур мутаносиблик ўрнатишга ёрдам беради.

Меҳнатбозорида ишқучинисотувчи билан уни олувчи ўртасида келишилган нарх - буиш ҳақидир. Иш ҳақи меънатнинг пул шаклидаги нархи булиб, уни ишга ёллаганлар меҳнат қилувчиларга маълум вақт мобайнида, маълум миқдордаги ва муайян сифатли ишни бажарганликлари учун тўлайдилар.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларида меҳнатга ҳақ тўлаш асосан икки шаклидан фойдаланилади. Булар ишбай ва вақтбай меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари дир. Меҳнатнинг самараси бир кунда ёки соатда ўз ифодасини топмайдиган ёки яратилган маҳсулотнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлмайдиган корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклидан кенг фойдаланилади. Буларга ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар каби тоифадагиларнинг меҳнатини мисол қилиш мумкин. Бу тоифадаги меҳнатнинг натижаси жуда узоқ муддатлардан кейин билиниши мумкин. Шу ҳолда ҳам унинг сифатини, миқдорини аниқ белгилашнинг иложи йўқ. Шу билан биргаликда шундай иш турлари мавжудки уларнинг миқдорини қисқа вақт ичида аниқлаш имкони мавжуд. Қилинган меҳнатнинг натижасини соатда ёки бир кунда аниқлаш имкони мавжуд ҳолларда асосан ишбай усулда меҳнатга ҳақ тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш мураккаб тизимга эга. Меҳнатга ҳақ тўлашда ишлатиладиган барча элементлар меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ташкил этади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими қуйидаги энг муҳим тамойилларга риоя қилиши зарур.



1. Ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги юксалиб борган сари реал иш ҳақининг ортиб бориши.

2. Меҳнат унумдорлиги ўсишини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгарилловчи суръатларини таъминлаш, (ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари суръатининг истеъмол фондлари ўсиши суръатларидан ортиб кетиши). Бу тамойилнинг моҳияти – ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида меҳнат даромадларини максимал (энг кўп) даражага етказишдан иборат.

3. Ходимнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган меҳнат ҳиссасига, меҳнат мазмуни ва шароитларига, корхона жойлашган минтақага, унинг қайси тармоққа мансублигига қараб иш ҳақини табақалаштириш. Мазкур тамойил ходимнинг ўз меҳнат малакасидан, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш зарурлигига асосланган.

4. Баробар (тенг) меҳнат учун баробар ҳақ тўлаш. Бозор шароитида бу тамойилни ишловчининг жинси, ёши, миллий мансублиги ва ҳоказоларга қараб унинг меҳнатига ҳақ тўлашда камситишига йўл қўймасликдир


5. Меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан бошқариш ва тартибга солиб туриш.

6. Меҳнат бозорининг таъсирини ҳисобга олиш. Меҳнат бозорида ҳам давлат ва хусусий компанияларда ҳам уюшмаган сектордаги иш ҳақи кенг намоён этилган бўлиб, улардаги иш кучи касаба уюшмалари билан қамраб олинмаган ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўла-тўқис маъмурият томонидан белгиланади.

7. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларининг оддийлиги, мантиқийлиги ва қулайлиги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларининг моҳияти ҳақида кенг хабардор бўлишни таъминлайди.

## 1.2. Автомобиль транспорт корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шакллари.

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил қилиш ходимлар фаолиятини рағбатлантириш, тайёр маҳсулот ва меҳнат бозорида рақобатчиликни, рентабелликни ва маҳсулотларнинг даромадлигини таъминлаши лозим. Меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил этишдан мақсад–унинг ҳажми ва ходимнинг корхона хўжалик фаолиятига меҳнат фаолиятида қўшган ҳиссасига мос келишини таъминлаш, яъни меҳнат ўлчами ва истеъмол ўлчами ўртасидаги муносибликни таъминлашдир.



## 1.2-чизма. Иш ҳақининг моҳияти ва унинг функциялари<sup>3</sup>

**Иш ҳақи** - ҳар бир ходимнинг сарфлаган меҳнати миқдори ва сифатига мос равишда тақсимланувчи ва ходим тасарруфига пул шаклида келиб тушувчи миллий даромаднинг бир қисмидир. Иш ҳақи—бу меҳнат учун мукофотдир

**Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш** ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган меҳнат ресурсларининг баҳосидир. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақи – бу, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланувчи қисмидир.

**Иш ҳақининг номинал ва реал турлари мавжуд.**

**Номинал иш ҳақи**—бу ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.

**Реал иш ҳақи**—номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори; реал иш ҳақи – бу, номинал иш ҳақининг “истеъмол қобилияти”дир.

Корхоналарда иш ҳақи соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ташкил этишда қуйидаги тамойилларни инобатга олиш зарур:

- \* адолатлилик, яъни бир хил меҳнат учун бир хил ҳақ тўлаш;
- \* бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва меҳнат малакаси даражасини ҳисобга олиш;
- \* меҳнатнинг зарарли шароитлари ва оғир жисмоний меҳнатни ҳисобга олиш;
- \* сифатли, сидикидилдан меҳнат қилишни рағбатлантириш, йўл қўйилган йўқотишлар ёки ўз мажбуриятларига масъулиятсиз ёндашишни моддий жазолаш;
- \* меҳнат унумдорлиги суръатини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ўстириш;

---

<sup>3</sup>Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган.

\* иш ҳақи миқдорини инфляция суръатларига мос равишда мувофиқлаштириш;

\* меҳнатга ҳақ тўлашнинг корхона эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берувчи илғор шакл ва тизимларини қўллаш.

Замонавий шароитларда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли тизим ва шакллари қўлланилиб, улардан энг кўп тарқалганлари сифатида ишбай ва вақтбай усулни кўрсатиш мумкин.

**Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш** ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган транспорт хизмати) учун тўланадиган ҳақни англатади.

Корхоналарда кўпинча фақат ишбай эмас, балки ишбай-мукофотли ҳақ тўлашдан фойдаланилади. Ушбу усулдан асосан ҳайдовчи ва айрим таъмирловчи ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашда фойдаланилади.

**Меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўлашда** ишчи бажарган ишига ҳақ олишдан ташқари, мукофотга ҳам эга бўлади. Мукофот асосан маълум бир кўрсаткичларга эришиш – ташиш режасини ошириб бажариш, ташиш сифатини ошириш, , ёқилғи-мойлаш, хом ашё ва материалларни тежаш ва шу кабилар учун берилади.

**Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш** тариф тизимида кўзда тутилувчи ишлаб берилган вақт - календарь вақт эмас, балки норматив вақт учун тўланадиган ҳақни англатади.

**Вақтбай-мукофотли ҳақ тўлашда** ишчи ишлаб берган вақтига ҳақ олишдан ташқари, ушбу иш ҳақига маълум бир фоиз ҳисобида мукофот ҳам олади.

**Меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш тизими** меҳнатга ишбай ҳақ тўлашнинг бир тури бўлиб, унинг моҳиятига кўра, бунда бажарилиши керак бўлган ишларни муддатини кўрсатган ҳолда баҳолаш амалга оширилади.

Корхонада қуйидаги ҳолларда аккорд ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- корхона бирон-бир буюртмани ўз вақтида бажара олмаса ва бунинг учун шартномага асосан йирик миқдорда жарима тўлайдиган бўлса;

- корхонанинг тўхтаб қолишига сабаб бўлувчи фавқулодда вазиятлар (ёнгин, сел, zilзила, сув тошқини ёки жиддий сабабларга кўра асосий технологик линияларнинг ишдан чиқиш ҳоллари) рўй берганда;

- алоҳида ишларни бажаришга ўта зарурат туғилганда ёки корхонада янги асбоб-ускуналар ишга туширилганда.

Кўпчилик корхоналарда иш ҳақини ҳисоблаш тариф тизими, айниқса унинг тариф ставкаси ва тариф сеткалари каби элементлари асосида амалга оширилади.

#### Меҳнатгаҳақ

тўлашни давлат йўли билан тартибга солиш камтаъминланган, озиш ҳақи оладиган ходимларнинг жимой ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар асосида иш ҳақининг энг кам миқдорини белгилайди.

Иш ҳақини ташкил этиш даягон тариф сеткаси асосида асосий иш ҳақини шакллантириш усулини ёки меҳнатгаҳақ

тўлашнинг тарифсиз тизимини танлаш муҳимдир.

Ягон тариф сеткаси устувор бўлиб,

ундан фойдаланганда ходимлари иш ҳақини янада объективроқ табақалаштиришга эришилади.

Бироқ иқтисодий аҳволдо имий равишда ўзгариб туриши сабабли корхоналарда кўпинча тариф ставкаларни ўзгартиришга тўғри келади, бу эса катта меҳнат харажатларига олиб келади.

Меҳнатгаҳақ тўлашнинг тарифсиз тизими иш ҳақини корхона ишининг ҳақиқий натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўяди.

Иш ҳақини ҳисоблаш эса камроқ меҳнат талаб қилади, лекин бу фақат кичикроқ корхоналарга тааллуқлидир.

Кўплаб корхоналар иш ҳақини ҳисоблашда анъанавий тариф тизимидан фойдаланиб келмоқдалар.

Бундай корхоналарда меҳнатгаҳақ тўлашнинг асосий элементлар и меҳнатни нормалаш, тариф тизими, иш ҳақининг шакллари ватизимлари дир.

## Меҳнатни нормалаш

буилмий асосланган меҳнат харажатлари ва унинг натижаларини вақт нормалари, сони, хизмат кўрсатишнинг бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш нормаланган топшириқлар нормаларини аниқлашдир. Булар бўлмаса, меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларга кўшган алоҳида ҳиссасини ҳисобга олиб бўлмайди.

## Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари

бу меҳнатнинг миқдор натижаларини ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт-шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизмидир.

Иш ҳақининг шакл ва тизимлари	Кўрсаткичлар
<b>Ишбай тизимлар</b>	
Якка тарздаги ва жамоа ишбай тизими: а) ишлаб чиқаришга мос тўғридан-тўғри ишбай (прогрессив регрессив) тизим б) ишбай-мукофотлар	Ишлаб чиқарилган маҳсулот (дона) 1. Ишлаб чиқариш ёки вақт нормалари 2. Сифат 3. Асбоб-ускуналардан фойдаланиш 4. Хом ашё ва материаллардан фойдаланиш 5. Аралаш тизимлар
<b>Вақтбай тизимлар</b>	
1. Нормалаштирилган кундалик топшириқлар (якка ёки жамоа тарзидаги) а) мукофотлашнинг катъий ставкалари билан вақт нормалари б) бундан аввалги ҳақ тулаш даврига нисбатан ишлаб чиқариш нормасига асосланган нормалар 2. иш натижаларига баҳо бериш билан боғлиқ тизимлар: а) иш натижаларига баҳо бериш билан боғлиқ равишда иш ҳақи ставкаларини ошириш б) мукофотнинг ҳар хил тури	Белгиланган ишлаб чиқариш ёки вақт нормаси  Иш натижаларига субъектив баҳо бериш, ходимларга тааллуқли бўлган мақсадларга эришиш

1.3-чизма. Иш ҳақининг шакл ва тизимлари ҳамда унинг кўрсаткичлари<sup>4</sup>

Тарифтизим турли меъёрий материаллар мажмуидани борат бўлиб, улар ёрдамида корхонадаги ходимлари шҳақидаражаси уларнинг малакаси, ишларнинг мураккаблиги, меҳнат шароитлари, корхоналарнинг жўғрофик жойи ва бошқатар моқ хусусиятларига караб белгиланади. Тарифтизимнинг асосий элементлари га тариф сеткалари, тариф ставкалари, тариф-малака маълумотномалари, лавозим маошлари, хизматчилар лавозимларининг тариф маълумотномалари, тариф ставкаларига устамава қўшимча ҳақлар, иш ҳақи га доир минтақавий малака коэффициентлари кирилади.

Тариф ставкалари – разрядлар шкаласидани борат бўлиб, уларнинг ҳар бири га ўз тариф коэффициенти берилган ва ҳар қандай разряднинг тариф ставкаси биринчи разряддан неча марта кўплигини кўрсатиб туради. Биринчи разряднинг тариф коэффициенти бирга тенгдир. Разрядлар миқдорива уларга тегишли тариф коэффициентларининг миқдори корхоналар да тузиладиган жамоа шартномаси да белгиланади. Жамоа шартномаси тариф битими асоси да ишлаб чиқиладива ходим лара ҳволининг шартномашартлариганисбатан ёмонлашувини назар да тутмаслик лозим.

Тариф-малака маълумотлари норматив хужжатлар дани борат бўлиб, улар ёрдами да иш разряди ва ишчининг разряди белгиланади.

Улар да ҳар бир мутахассислик даги ҳар бир разряди шчисина зарий ва амалий жиҳатдан билиши лозим бўлган ахборот мавжуд бўлади.

Мазкур маълумотномалар уч бўлимдан: «Ишларнинг тариф-тавсифи», «Билиш керак» ва «Ишлар га доир мисоллар» дан ташкил топади.

Меҳнат га ҳақ тўлашни ташкил этиш соҳаси даги анъанавий ёндашувлардан фойдаланувчи корхоналар ходимлар иш ҳақининг миқдорини белгилаш учун тариф сеткалари, тариф ставкалари ва тариф-малака маълумотномаларидан фойдаланадилар. Бундай корхоналар да бошқарув

---

<sup>4</sup>Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган.

меҳнати ходимлари ҳисобланувчи хизматчилар учун штат-маош тизими татбиқ этилади. Унинг ўзига хос хусусияти штат жадвалининг тузилишидан иборат бўлиб, унда муайян корхонада мавжуд бўлган лавозимлар рўйхати, ҳар бир лавозим бўйича ходимлар сони ва маош миқдори кўрсатилади.



### **1.3. Автомобиль транспорти ходимларига иш хақи тўловларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш йўллари.**

Меҳнат мотивацияси тушунчаси. Маълумки, меҳнат бу — инсоннинг бирорта эҳтиёжини қондиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятидир.

Мотивация инглиз тилидан олинган бўлиб, энг аввало, ўзини ва сўнгра бутун жамоани умумий мақсадларни бажаришга даъват этувчи фаолиятни рағбатлантириш жараёнидир.

Меҳнат мотивацияси деганда эса инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятини турли рағбатлантириш йўллари билан юқори самарадорликка эришишга йўналтирмак, уни унумли меҳнат қилишга ундамоқ, ички туйғуларини қўзғатмоқ тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат мотивацияси муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир инсон меҳнатни мажбур бўлиб эмас, балки ўз ихтиёри билан қилиши лозим. Шундагина бу борада юқори натижаларга эришилади. Лекин ҳар ким ҳамиша ўз ихтиёри билан самарали меҳнат қилавермайди. Бунинг учун инсонда энг аввало шундай меҳнат қилишга даъват этувчи туйғу уйғотилиши керак. Бундай туйғу турли рағбатлантириш йўллари билан амалга оширилади.

Рағбатлантириш асосан икки йўналишда олиб борилади. Биринчиси моддий рағбатлантириш, иккинчиси маънавий.

Меҳнатнинг рағбатлантирилиши деганда меҳнатнинг содир бўлишини таъминловчи ва унинг фаоллигини оширувчи моддий, маънавий ва ҳукуқий манфаатлар мажмуаси тушунилади.

Меҳнатнинг ўзи, таъкидланганидек, кишиларнинг бирорта эҳтиёжини қондиришга қаратилган мақсадли фаолиятдан иборат. Демак, кишилар меҳнатни шунчаки қилмайди, балки замирида бирорта манфаатни қондирадиган мақсад ётади.

Кишиларнинг меҳнат қилишдан манфаати, энг аввало, моддий рағбатлантиришни талаб қилади, чунки у меҳнати эвазига ўзининг ва оила

аъзоларининг яшашини, яъни етарли даражада моддий неъматлар билан таъминлаши лозим.

Меҳнатнинг рағбатлантирилиши нималарда намоён бўлади? Энг аввало, меҳнаткаш меҳнати учун олган маоши ўзининг ва оила аъзоларининг яшашини учун бемалол етиши лозим. Шундагина меҳнатнинг бир қисми бўлган иш кучининг қиймати тўлиқ тўланган, меҳнаткаш эса тўлиқ рағбатлантирилган бўлади.

Энди меҳнатнинг ўлчами нима деган саволга жавоб бериш лозим, чунки ҳамма бир хил меҳнат қила олмайди ва бир хил рағбатлантирилмайди. Меҳнатнинг бирламчи ўлчами меҳнаткашнинг сарф қилган вақти, яъни иш вақти билан ўлчанади.

Меҳнатни рағбатлантиришда энг аввало кимнинг қанча вақт ишлагани инобатга олинади. Ҳамма бир хил иш вақти сарф қилиб ишлаши мумкин. Лекин ҳаммага бир хил иш ҳақи тўланмайди. Чунки улар бир иш вақтида турли натижаларга эришишлари мумкин.

Рағбатлантиришнинг иккинчи ўлчови ишнинг натижасидир. Меҳнаткаш бир вақт бирлигида 10 та иш бажарса — 10 сўм, 30 та иш бажарса — 30 сўм иш ҳақи олиши мумкин. Аммо ишчилар бир хил иш бажарди деб ҳам фараз қиламиз.

Лекин улар оладиган иш ҳақи яна бир хил бўлиши мумкин. Бу ҳолда рағбатлантиришнинг учинчи ўлчови ишга тушади. Энди рағбатлантириш иш натижасининг сифатига боғлиқ бўлади.

Демак, меҳнатни рағбатлантиришнинг ўлчови учта, яъни иш вақти, иш натижаси ва сифатидан иборат экан.

Рағбатлантириш қанча юқори бўлса, меҳнатнинг ҳам самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Меҳнатни моддий рағбатлантириш билан бирга маънавий рағбатлантириш ҳам мавжудки, бунинг таъсир кучи ҳам моддий рағбатлантиришдан кам эмас. Маънавий рағбатлантиришга қуйидагилар киради:

1. Моддий рағбатлантириш. Меҳнаткашни моддий рағбатлантириш билан бирга бевосита маънавий рағбатлантирилади, чунки унинг қандай ишлаётганлиги эътироф этилганлиги намоён бўлади.

2. Жамоа олдида яхши ишлаётганлигини қайд этиш, маъмурият буйруғи билан раҳматнома ва ташаккур эълон қилиш.

3. Фахрийлар тахтасига, китобига ёзиш, фахрий ёр-ликлар билан тақдирлаш.

4. Унвонлар бериш, шу соҳада хизмат кўрсатилганлигини қайд қилиш.

Масалан, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» кабилар.

5. Орден ва медаллар билан тақдирлаш.

6. Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини бериш каби тадбирлар меҳнаткашларни маънавий рағбатлантиришга киради.

Шу ўринда таъкидламоқчимизки, манфаатлар, улар ўрта-сидаги қарама-қаршилик ва зиддиятларни мувофиқлаштирувчи, уларга барҳам берувчи омил бу — маънавиятдир.

Маънавият кучли бўлган жойда манфаатлар ўртасида номувофиқлик бўлмайди, бундай вазиятда қарама-қаршилик ва зиддият ҳам келиб чиқмайди. Шу туфайли ЎЗР Президенти ва ҳукумати томонидан маънавият масаласига жуда катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Маънавияти бой мамлакатда тинчлик, барқарорлик, аҳиллик ҳукм суради. Бундай жойда иқтисодий юксалиш, фаровонлик ва манфаатлар муштараклиги таъминланади.

Биз меҳнат мотивациясиниш айрим йўналишларигагина тўхталдик, холос. Бу масала юқорида таъкидланганлар билан чекланиб қолмайди Бунинг жуда кўп типлари, омиллари ва йўналишлари мавжуд.

Меҳнат мотивацияси типлари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Лекин уларнинг барчаси меҳнат қилувчининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш учун ҳис-туйғуларни уйғотиш йўлини ахтаришга қаратилган. Шу боисдан меҳнат

мотивациясининг иккита типи алоҳида аҳамият касб этиши-ни таъкидлаш жоиз. Бунга қуйидагилар киради: биринчидан, ҳис-туйғуни уйғотувчи тадбирлар мажмуаси бўлса, иккинчидан, ақл-идрок билан қилинадиган ишлардир.

Кишиларнинг яхши меҳнат қилиши учун иккаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзи тадбирлар борки, ақл-идрок билан қилиниб, кишиларда яхши меҳнат қилиш учун кучли ҳис-туйғу уйғотади. Масалан, миллатпарвар, фидойи, жонкуяр инсон учун яхши меҳнат қилиш ҳис-туйғусини уйғотишда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги жуда катта омил бўлиб хизмат қилади. Ёки компаниянинг равнақи учун аҳил бўлган меҳнат жамоасининг бир тан, бир жон бўлиб, кечаю-кундуз уни юксалтириш учун қилган ишлари.

Меҳнат қилувчининг, яъни меҳнаткашнинг меҳнат қилиши учун бир қанча мотивлар борки, буларсиз самарали меҳнатнинг содир бўлиши мумкин эмас. Буларга қуйидагилар киради:

1. Кўпроқ меҳнат хаки тўланиши. Ҳаётий тажрибалар кўрсатаптики, масалан, пахта теримида терилган пахта учун ҳар куни ҳисоб-китоб қилиб борилса, меҳнат унумдорлиги одатдагидан 2-2,5 баравар юқори бўлади. Меҳнатнинг натижаси қанча тез рағбатлантирилиб борилса, у шунча унумли, самарали бўлади. Жуда кўп мамлакатларда ойлик маош тўланади. Аммо АҚШда ҳар ҳафтада, баъзан ҳар куни ойлик тўланиши эвазига ҳам юқори меҳнат унумдорлигига эришадилар. Хўжаликни юритишда меҳнатнинг бу мотивини инобатга олиш юқори самарадорликка эришиш учун жуда муҳимдир.

2. Яхши меҳнат шароитининг яратилиши. Меҳнат шароити ходимларни ишга олиб келиш, ишлаш жараёнини таъминлаш ва ишдан уйғача кузатиб қўйишни ўз ичига олади. Ҳар бир ходимнинг ишлайдиган жойи ҳар томонлама қулай, ёруғ, озода, баҳаво бўлиши лозим. Бу борада меҳнат эргономикаси талабларига жавоб берадиган бўлиши керак. Бу ҳам яхши ва самарали ишлаш учун асосий мотивлардан биридир. Корхона жуғрофий жиҳатдан ҳам қулай жойлашган бўлиши лозим. У транспорт воситаси бекатига яқин, дўконга, ошхонага,


бозорларга яқин ва уларга бориш ҳам қулай жойда жойлашиши ҳам унда ишлайдиган ходимлар учун аҳамиятлидир.

3. Ходимнинг малакасига мос иш билан таъминланиши.

4. Корхонада яхши маънавий-рухий муҳитнинг яратилиши. Корхонанинг умумий муваффақияти учун шу корхонада ишлаётган бирорта юшш ўзини ортиқча ёки жамоадан четда ҳис қилмаслиги керак. Режали иқтисодиётда амал қилган жуда кўп маъмурий-буйруқбозлик усуллари бозор шароити учун ёт унсурлардир. Энди кишилар тазйиқ билан мажбур бўлиб ишламаслиги керак. Уларда ишлаш учун ички туйғулар, имкониятлар ишга тушиб, меҳнат қилиш ихтиёрий эҳтиёжга айланиши лозим.

5. Ҳар бир кишининг ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш..

6. Ҳар бир кишини шу корхонанинг эгаси, хужайини ва унинг бу ерда зарур эканлигини ҳис қилишни таъминлаш.



1. 4-чизма. Вш ҳақини ташкил этиш тамойиллари ва вазифалари алоқаси <sup>5</sup>

<sup>5</sup>Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган.

## II-БОБ. "ЯГУАР СЕРВИС" ШЎБА КОРХОНАСИНИНГ ТАВСИФНОМАСИ

### 2.1. "Ягуарсервис" шўба корхонасининг структураси ватарихи.

"Ягуарсервис" шўба корхонаси тавсифи корхонанинг (матнда "корхона")  
мазкур низоми Ўзбекистон Республикасининг

"Ўзбекистон Республикасида тadbиркорлик тўғрисида" ги,

"Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида" ги,

«Шўба ҳамда қўшимча корхоналар тўғрисида» ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб "Ягуарсервис" шўба корхонаси ҳуқуқий вори си ҳисобланади. "

Ягуарсервис "

шўба корхонаси қуйидаги жисмоний шахслар томонидан тузилган таъсис шартно  
маасосида ташкил топган:

Ҳамрақулов Ҳамид Ҳамрақулович (паспорт: СО 0036283

Жиззах вилояти Жиззах ТИИБ томонидан

19.07.2000 йилда берилган, уйманзили Жиззах тумани Қулама ҚФЙ А. Икромов қў  
часи 135 – уй.)

Пардаев Темур Кучкарович (паспорт: СО 0827660

Жиззах вилояти Жиззах ТИИБ 05.05.2006 йилда берилган,

уйманзили Жиззах тумани Қулама ҚФЙ) Рашидов Ботир Баҳодирович (паспорт:

СО 0885299 Жиззах вилояти Жиззах ТИИБ 09.04.2007 йилда берилган,

уйманзили Жиззах тумани Қулама ҚФЙ А. Икромов қўчаси) Корхонанинг тўлиқ но  
ми:

Кирилл алифбосида Шўба корхонаси "Ягуарсервис" шўба корхонаси,  
кискартирилгани "Ягуарсервис" шўба корхонаси .

Лотиналифбосида "ЯГУАР СЕРВИС"

кискартирилгани "ЯГУАР СЕРВИС" .

Корхона манзили: Жиззах шаҳри "Маданият" маҳалласи Пахтакор қўчаси  
3 уй.

Корхонатегишлитартибда давлатруйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик Шахс бўлиб, ўзининг мустақил балансига, ҳисоб ва валютарақамларига, муҳр ва бурчак тамғасига, эмблема, савдо маркази ва бошқа реквизитларига эга бўлади.

Корхона ўз мулкнинг, фондларининг ва бошқа маблағларининг эгаси бўлиб, тўла ҳужалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш принциплари асосида фаолият кўрсатади, ўз фаолиятини тижасида олинган даромадлар ва мулкка эгаллик қилади ва уни бошқаради.

Корхона ва унинг қатнашчиларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, ҳамда ушбу Низом ватаъсис шартномаси билан белгиланади.

Ўз фаолиятини амалга оширишда корхона мустақил ташкилот сифатида иш кўриб, ўз мажбуриятлари учун амалдаги қонунларга кўра ундирилиши мумкин бўлган баъри қарақобат дош моллари билан тўлдириш ва хизматлар кўрсатишда актив иштирок этиш ҳамда ҳужалик фаолиятини амалга оширишдан даромад олишдир.

"ЯГУАР СЕРВИС" шўба корхонасининг фаолияти ва мақсади.

Ўз мақсадини амалга ошириш ва вазифаларини бажариш учун корхонанинг асосий фаолият турлари қуйидагилар ҳисобланади:

аҳолига юловчи ташиш хизматини ташкил қилиш;

шаҳарда ва шаҳар атрофида шунингдек шаҳарлараро йўналишларда аҳолига юловчи ташишни ташкил қилиш;

аҳоли ва ташкилотларга мулкчилик шаклидан қатъий назар шартномалар, буюртмаларга асосан пуллик хизматни ташкил қилиш;

ҳалқаро ва шаҳарлараро ҳалқ ҳужалиги юкларини ташиш хизматларини ташкил қилиш; контейнер юкларини ташишни ташкил қилиш;

экспедиторлик фаолияти билан шуғулланиш;

Шахсий ва давлатга қарашли бўлмаган транспорт воситаларини ижарага олиш ва ишлатиш; ташкилот ва жисмоний Шахсларга ҳамма транспорт хизматини кўрсатиш;

қурилишматериаллари (гипсваалебастртягалари) ишлабчиқариш; ғишт, плитка, шлокоблокларвақурилиш материаллари ишлабчиқариш ҳамдасотиш; барчатурдагиқурилишматериалларинингчакана савдосини ташкил қилиш; барчатурдагиқурилишфаолияти билан шуғулланиш; қурилишмонтажишларини бажариш; сантехникаишларини бажариш; юлқурилиши фаолияти билан шуғулланиш ва х.к.

Корхона фаолият доираларини олиб бориш учун махсус рухсатнома (литсензия)

олиниши керак бўлган фаолият турларини аниқлашнинг литсензия олиниши билан сўнгги малга оширилади.

"ЯГУАРСЕРВИС"

шўба

корхонасининг молиявий ресурсларининг ташкил бўлиш манбалари.

Корхона Давлат томонидан белгиланган тартибда ўз фаолияти натижаларини ҳисоби ва ҳисоботини бухгалтерлик ва статистик ҳисоботни юритади ва уларни ҳақиқийлигини кафолатлайди. Корхона мустақил балансга эга бўлади, корхона хўжалик фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби маблағ билан, шу жумладан хорижий валютадаги маблағ билан ўзини-ўзи таъминлаш тамойиллари асосида амалга оширилади. Корхона юридик ва жисмоний Шахслардан дотатсиялар олиш ҳуқуқига эга. Корхона ҳисоб-китобларни нақд пуллар билан амалга ошириш ҳуқуқига эга. Корхона Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ солиқлар ва бошқа тўловларни тўлаб боради. Корхонада молиявий йил тақвими йилнинг 1-январидан бошланади ва 31-декабрда тугалланади. Корхона капитал маблағлар сарфлаш Ўзбекистон Республикасида ва хориждаги банкларда айланма маблағларга эгаллик қилиш юридик ва жисмоний Шахслардан кредитлар ва шу жумладан хорижий валютада кредитлар олиш ҳуқуқига эга. Корхонанинг тайёр маҳсулоти ва фойдаси республика давлат бюджети билан ҳисоб-китобларга доир сўммалар ва корхона жамғармаларини ташкилетиш ва тўлдиришга ўйналтириладиган сўммалар, шунингдек корхона қарорига кўра бошқа мақсадларда ишлатаётган сўммалар чиқариб



ташлангандан сўнг қолган фойдани 40 % корхона ишлаб чиқаришини ривожлантиришига ва 60 % қатнашчилар ўртасида уларнинг низом жамғармасига тўлаган улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

"ЯГУАРСЕРВИС" шўба корхонасининг фаолиятини тўхтатилиши.

Корхона фаолияти фирмани қайта ташкил қилиш ёки тарқатиб юбориш йўли билан тўхтатилади.

Корхонанинг қайта ташкил қилиниши ёки унинг давлат кооператив, акционерлик ва бошқа ташкилотлар билан қўшилиши қонунда белгиланган тартиб дамулк эгасининг қарорига қўра юридик Шахслар томонидан амалга оширилади.

Корхона қайта ташкил таштирилган ҳолда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ташкил бўлган жамоага янги низомасосида ўтади.

Корхона фаолиятини қуйидаги ҳоллар тўхтатилганда ёки қайта ташкил лаштирилган ҳолда.

а) мулк эгасининг қарорига қўра корхона фаолияти тўхтатилганда ёки қайта ташкил лаштирилган ҳолда.


б) судёки ҳужалик суди қарорига қўра корхона ўзмажбуриятларини бажара олмай дидеб ҳисобланган ҳолда.

Бошқарув органларининг функциялари.

Директор

корхонанинг келгўсидарежа асосида ишлашни мақсад қилиб иш олиб боради, ҳамда қўлостидаги инженер-техник ходимларнинг, ишчиларнинг устидан умумий назорат олиб боради.

### **"Ягуарсервис" шўба корхонасининг бошқарув структураси<sup>6</sup>**



<sup>6</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 54 сонли 2015 йилги қарорига асосан тузилган.

### Бошмухандис-

корхонадаги барча ишларнинг раҳбар ваташ қилотчи ҳисобланади.

Корхона раҳбари ишда бўлмаган тақдирда корхона раҳбар вазифасини бажаради.

### Механик

автокорхонада мавжуд бўлган ремонт қилиш станоклари ускуналари бўйича жавоблар ва уларни доимотехник соз ҳолда бўлишини таъминлайди.

### Навбатчи механик

машиналарнинг нарядгачи қибкетиши пайти дауларни техника қўриқдан ўтказиб, ёлварақасига имзо чекиб боради ва наряддан қайтган автомобилларни қабул қили болади.

### Бош ҳисобчи-

корхона томонидан малга оширилади ган барча ҳўжалик муаммоларининг назорат қилинишини ва бухгалтерия ҳисобисчётлари да акс эттирилишини, тез қор маълумотлар тақдим этилишини, бухгалтерия ҳисоботининг белгиланган муддатлар да тузилишини, ички ҳўжалик захираларини аниқлаш ва сафар бар қилиш мақсади да бухгалтерия ҳисобива ҳисобот маълумотлари асоси да корхонанинг ҳўжалик-молиявий фаолиятини таъминлайди.

Корхона раҳбари билан бирга лиқ да товар моддий бойликлар ва пул маблағларидан қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб ҳисобланадиган ҳужжатларни, шунингдек ҳисоб-китоб, кредит ва молиявий мажбуриятларни, ҳам да корхона шартномаларини имзолайди

### Ҳисобот бўлими

моддий ва молиявий ресурсларнинг корхонага қелишини ва кетишини, ишчи куларининг ҳисобини юритади,

корхона фаолияти бўйича ҳисоботларни тайёрлайди ва уларни корхона раҳбарлар

ига, шунингдек давлат вамаҳаллий хўжалик органлари гатақдим этади. Уларнинг мажбуриятлари гаасосан корхонага муҳандислик-техника хизмати ники ўрсатиш дани борат.

Ходимлар билан ишлаш бўлими-корхонада ишлаётган ходимлар учун тулгазиладиган хужжатларни, шу корхонада чиқарилган буйруқ ва фармойишларни расмийлаштиради. Руйхатга олиш ва бевосита ходимлар бўлимида бажарилади. Маълумки, хужжатлар хўжалик оператсияларини амалга ошириш ники ўрсатувчи ёзма буйруқ ёки бу оператсияларни ҳақиқатда амалга оширганлигини кўрсатувчи ёзма далил дир.

Ҳар бир оператсиялар уларнинг мазмуни қандай бўлиши дан катъий назар хужжат билан расмийлаштирилади.

Буйруқ хужжатлар да корхона бошқарувчисининг бир о оператсияни бажариш туғриси даги буйруғи бажарилади. Ходимларни ишга қабул қилиш ва жой-жойига қўйиш, уларни маалакасини ошириш, ишлаб чиқариш да ходимларнинг гуруҳини алмаштириш, уларнинг лавозими га кутариш қа билан ходимлар бўлимининг бошлиғи шуғулланади. У жамоа сафини барқарорлаштириш га имконият дадиган чоратадбирлари шлаб чиқади.

Таъминот бўлими-ишлаб чиқариш ва курилиш ишлари да тулик қатнашиб, ишлаб чиқариш жараёнини зарур материаллар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш, билан шуғулланади. Ҳисобот бўлими-моддий ва молиявий ресурсларнинг корхонага келишини ва кетишини, ишчи кучларининг ҳисобини юритади, корхона фаолияти бўйича ҳисоботларни тайёрлайди ва уларни корхона раҳбарлар ига, шунингдек давлат вамаҳаллий хўжалик органлари гатақдим этади. Уларнинг мажбуриятлари гаасосан корхонага муҳандислик-техника хизмати ники ўрсатиш дани борат.

## 2.2. “Ягуарсервис” шўба корхонасининг 2016-2018

### йиллардаги асосий техник - иқтисодий кўрсаткичларига таҳлили.

Корхона фаолиятига таҳлилининг

энгмасъулбоскичларидан бири ахборотларни таҳлил учун тайёрлашдир.

Бунинг учун асосий маълумотларнинг

маълумотларини маълум бир талабларга жавоб беришини таъминлаш лозим.

Маълумотларнинг сифатли бўлиши керак,

яъни улар хизматлар

кўрсатиш ҳисобланган,

тўлиқ ва хизматлар

кўрсатиш тузилган бўлиши керак. Таҳлил маълумотлари уларнинг моҳиятига кўра

талабга жавоб бериши керак.

Бу

эса уларнинг таҳлил максимал даражада мос келиши ва реал воқеликка хизматлар

кўрсатиш келишини аниқлатади.

Маълумотларнинг таққослашим қонияти бўлиши керак.

Юқоридаги талабларнинг қондириш учун таҳлил қилувчи шахсуларнинг бир қато

ртекшириб чиқади.

Бу текшириш техник характерда бўлиб,

бунда иқтисодий кўрсаткичлар турли хил ҳисобот шакллари бўйича бир-

бирига солиштириб кўрилади.

Режа маълумотлари

эса режа ҳужжатларида келтирилган маълумотларга мослиги ҳақида қайта кўр

илади.

Кўрсаткичларнинг бир-

бирибилан таққослашимкони яти бўлиши учун уларнинг турли хил ҳисоб-китоблар ва жаҳдваллар ёрдамида бир-бирига мослаштирилади.

Таҳлил учун ишлатилган маълумотларнинг ўлчов бирликлари таҳлил учун кул айҳолатга келтирилади, масалан, агар рақамлар катта бўлса, кўрсаткичларнинг сўмлардаифода этилиши мумкин.

Маълумотларни таҳлилий қайта ишлаш эса - бубевоситатаҳлилнинг ўзидир. Таҳлилнинг тақзиш учун эса, униётқазиш режаси, ишончли ватўлиқахборотнинг бўлиши этарли эмас. Маълумотларни қайта ишлаш ниташкил қилиш учун ўзига хос бўлган услубиятдан бохабар мутахассис бўлиш талаб қилинади. Бу мутахассис хўжалик фаоляти таҳлили услубиятини доимий равишда такомиллаштириб бориши давр талабидир.

## 2.2.1-жадвал

### “ЯгуарСервис” шўба корхонасининг 2016-

### 2018 йиллардаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари<sup>7</sup>

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2017 йилга нисбатан фарқи	
						Мутлоқ (+;-)	Нисбий % (марта)
1	Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	минг сум	272155	234737	267327	32590	113,9
2	Ялпи даромад	минг сум	154873	120602	137307	16705	113,9
3	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сум	117282	144135	130020	-14115	90,2
4	Давр харажатлари	минг сум	152655	119345,0	134963	15618	113,1
5	Умумхўжалик фаолятининг молиявий натижаси	минг сум	2218	1257	2344	1087	186,5
6	Ишловчиларнинг ўртача йиллик иш хақи фонди	минг сум	19050,85	16431,59	18712,89	2281,3	113,9
	Жумладан:						
	А) ишчиларники		17080,1	13207,8	16777,1	3569,3	127,0

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган. “Ягуар Сервис” шўба корхонасининг 2016-2018 йил молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.


	Б) хизматчиларники		1970,8	3223,8	1935,8	- 1287,9797	60,0
7	Ишловчилар ўртача йиллик сони шундан:	киши	58	65	67	2	103,1
	А) ишчилар	киши	52	58	60	2	103,4
	Б) хизматчилар	киши	6	7	7	0	100,0
8	Бир ишловчининг ўртача йиллик иш унуми	минг сум	4692,33	3611,34	3989,96	378,6	110,5
9	Бир ишчининг ўртача ойлик иш унуми	минг сум	5233,75	4047,19	4455,45	408,3	110,1
10	Асосий воситаларни ўртача йиллик киймати	минг сум	62255	69072	88862	19790	2,02 марта
11	Айланма маблағларнинг ўртача йиллик киймати	минг сум	2853,5	3919	6761	2842	172,5
12	Солиқлар	минг сум	213	116	1420	1304	1224,1
13	Соф фойда	минг сум	2010	1141	2329,8	1188,8	204,2
14	Рентабеллик (12к:1к)*100	%	6,07	0,49	0,87	-0,18	179,3
15	Дебиторлик қарзлар	минг сум	30102	65810	159081	93271	241,7
16	Кредиторлик қарзлар	минг сум	133000	42394	48515	6121	114,4

“Ягуар сервис” шўба корхонасининг 2016-2017-2018 йиллардаги техник-иқтисодий кўрсаткичларини (2.2.1-жадвал) таҳлил қиладиган бўлсак, корхонада ўтган 2017 йил 234737 минг сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йил 267327 минг сўмни ташкил этган, натижада 32590 минг сўмлик кўп хизмат кўрсатилган бу эса ўзариш суръатида 113,9 фоиздир.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида инфляция ёки бўлмаса четдан маҳсулот келтириш ҳаражатларининг юқорилиги, шунингдек, хом ашёнинг қимматлиги хизмат кўрсатиш таннархига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, яъни ўтган йилда корхона 234737 минг сўмлик хизмат кўрсатишга 144135 минг сўм сарфлаган бўлса (таннархнинг улуши 61,4 фоизни ташкил этмоқда), жорий 2018 йилда 267327 минг сўмлик хизмат кўрсатиш учун 130020 минг сўм сарфлаган, бу эса яратилган маҳсулотда 48,6 фоиз улушга эга бўлиб ушбу кўрсаткич ўтган йилги сарфланган маблағга нисбатан 90,2 фоизни ташкил этган. Шу сабабли хизмат кўрсатиш таннархининг ошиб


бориши оқибатида ялпи фойда ҳисобланган даромад ҳам жорий йилда ўтган йилга нисбатан 113,9 фоизни кўрсатиб турибди.

2.1- Диаграмма. Хизмат кўрсатишдан тушган тушум ва ялпи даромаднинг ўзгариши<sup>8</sup>.



“Ягуарсервис” шўбакорхонасининг ишлаб чиқариш харажатлари 2018-2017 йиллардага нисбатан кўрадиган булсак -14115 минг сўмга камайиб, давр харажатлари эса утган йилга нисбатан 15618 минг сўмга купайган.

2.2- Диаграмма. Ишлаб чиқариш харажатлари. Давр харажатлари<sup>9</sup>.



Кўрсатилган хизматларнинг таннарига қараб унинг гулгуржи баҳолардагин архни ҳам ошишти ва бийлиги туфайли таъсир қиладиган омил сифатида ишловчи ларнинг иш ҳақи жамғармаси жорий йилда 18712,89 минг сўм бўлган ҳолда ўтган йилга нисбатан  $(18712,89 - 16431,59 = 2281,3)$  113,9 фоизга ошган. Амалга оширилган таҳлиллардан билса бўладики, корхона нуфузлих ўжали юритувчи субъектлар сарасига қаради , шунинг учун ҳам бу корхонада ишловчи талабгорлар ҳам шунга яраша бўлган, яъни, сўнги уч йилда корхонанинг меҳнат потенциали ўртача 65-67

<sup>8</sup>2.1 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди


<sup>9</sup>2.2 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

кишиниташкил

этибкелган,

чункикорхонадабарчаиктисодийкўрсаткичларқаторидахизматкўрсатишнингф  
акатгинаинтенсивомиллариданфойдаланишйўлгақўйилган. Корхонанинг  
солиқлари 166,7 фоизга, соф фойда 204,2 фоизга ошган. Бу эса утган йилга  
нисбатан 519 минг сумга кўпдир. Рентабеллик 2 мартага ошган. Корхонанинг  
дебиторлик карзи 241,7% ни, кредиторлик карзи 114,4 % ни ташкил этган.

2.3- Диаграмма. Кредитор ва дебитор қарзлар<sup>10</sup>.



### 2.3. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги

#### “Ягуар сервис” шўба корхонасинингмеҳнат ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда олиб борилаётган кенг камравли тадбирлар мажмуасида аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам бу масалалар давлат сиёсатининг устуворйўналишиларида бири ҳисобланади. Мамлакат мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ фуқоралар ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш ва ҳар қандай ҳолатларда муҳофаза этиш мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг яшашида ва фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлишини, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланишини, уруш ва терроризм хуружидан ҳимояланишини, табиат ва одамзод уйғунлигининг сақланишини таъминлаш

<sup>10</sup>2.3 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



тушинилади. Умуман олганда ҳаёт фаоляти хавфизлиги — бу инсоннинг шу заминдаги турмуши хавфсизлигини таъминлашдир.

Маълумки, Ўзбекистон табиий офатлар (ер силкиниши, ер силжиши, сел, сув тошқини ва ҳоказолар) тез-тез бўлишига мойил ўлка бўлганлиги ҳамда экологик мувозанатнинг бузилиши фуқаролар ҳаётини муҳофаза этиш, табиатни асраш ва турли офатлардан зарар кўрган ҳудудларда кутқариш-тиклаш ишларини олиб бориш жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юртимиз минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аврияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш ва тегишли чоралар кўриш зарур. Фақат шундагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий-маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин. Меҳнат муҳофазаси иш жараёнида инсоннинг меҳнат қобилиятини, соғлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган қонунлар мажмуини, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, гигиеник, профилактик тадбирларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистонда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига оид ҳуқуқий асослар яратилган. Улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси” (21 декабрь 1995 йил) ва Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни киради. Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси”нинг 212-моддасида: “Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ушбу Кодекс, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар билан белгиланади”, дейилган. Корхоналарда ҳар бир ходимнинг Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат Кодекси” ва Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунга амал қилиши, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларни излаб топиш, меҳнатни самарали ижодий

фаолиятга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббиёт соҳасига кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар қилинмоқда, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хасталиклар ҳамда касб касалликларни ташхизлаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқаришга ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда. 2010 йили Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида — саноат, қурилиш, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқаларда 11624,8 минг ёки 1990 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп киши фаолият юритишган.

Табиийки, уларнинг маълум бир қисми нохуш ва зарарли меҳнат (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар) шароитида ишлашган ва ишламоқдалар. Айрим ҳолатларда, зарали ва хавфли ишлаб чиқариш омилларига қўйиладиган руҳсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл қўйилмоқда. Бу эса ишга вақтинча қобилиятсизликка алоқадор касалликни келтириб чиқаради.

Республикамызда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Бу ишлар билан давлат тузилмасидаги барча бўлимлар шуғулланишади ва бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслиги ҳолати тармоқ назоратини тегишли вазирликларга бўйсунуш тартиби билан амалга оширади. Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли

адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

“Ягуарсервис” шўбакорхонасининг меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланган. Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта ноҳуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

“Ягуарсервис” шўбакорхонасининг меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномасида кўзда тутилган. Корхона маъмурияти томонидан меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Госэнергонадзор), прокуратура, шунингдек, касаба уюшма органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади. Касаба уюшмаларнинг ишлаб чиқаришдаги кўмиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнатқонунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормаларга риоя қилишни текширади ва меҳнатмуҳофазасига оид бўлган кўрикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ҳодисаларни тўғри ҳисобга орлинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш ўринларини текшириши мумкин.

“Ягуарсервис” шўбакорхонасининг ҳам бошқа корхоналардек меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектори бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг уз вақтида утказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуклигини аниқлаш, чиқиндиларни уз вақтида йигиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш уринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур. Корхоналарда касаба уюшма қошида меҳнат техникавий инспекторитайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни касаба уюшмаиғақарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона вахоналар унинг ижозати билан фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йул ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади. Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буг қозонлари, электр станциялари, кишлоқ хужалиги корхоналаридаги кутариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат қурсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади. Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлигитомонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин

ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат кунунлари ва кодексида ёзиб қўйилган. Корхоналарда фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, хомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

#### Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Республикамизда миллий иқтисодиёт тармоқлари объектлари ва аҳоли турар жойларининг ёнғин муҳофазасини мустаҳкамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғаҳўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зич жойлашган жойларда ёнғинни ўчириш ишини ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга қарши кураш бошқармасининг вазифаси — давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхоналари мулкани ҳамда фуқароларнинг шахсий мулкани ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда

ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади. Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади. Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади. Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир. «В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади. «Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан биргаёғир бахтсиз ҳодисаларга — захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатигасабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғинхавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги

чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб боришёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғрифойдаланишга қаратилган. Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади. Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади. Ёнгинсодир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- корхона биноларидаги қўлланиладиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчимоддаларнинг портлашга хавфли қоицентрацияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- ёнгин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт мухитини яратиш;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;

- технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлашишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Амалиётда бино ва иншоотларда ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади.

Ўт ўчириш моддалари зарарли, кам захарли ва захарсиз турларига бўлинади. Шунинг учун корхона объектлари ва майдонларини ёнғин ўчириш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

“Ягуарсервис” шўба корхонасида корхона, бўлим, цех, омборхона шаҳобчаларидаги ёнғин хавфлилиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб юрган кишилар зиммасига юклатилган.



### **3- БОБ. Авторанспорт корхоналари ишчи ва хизматчилари меҳнатига иш ҳақи тўлашнинг таҳлили.**

#### **3.1."Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги меҳнат ресурслари таҳлили**

Кадрлар корхонада меҳнат билан банд бўлган ҳамда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий–малакавий гуруҳлардаги ходимлар мажмуасидир. Корхонанинг меҳнат ресурслари унинг ишчи кучини тавсифлайди. Корхона персонали доимий ва ёлланиб ишловчи, малакали ва малакасиз барча ходимлардан иборат бўлган шахсий таркибни изоҳлайди.

Меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб, чунки меҳнат салоҳиятининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар иқтисодий мазмунга қараб уч гуруҳга бўлинади:

4. Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
5. Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
6. Меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
7. Меҳнат салоҳиятининг турғунлиги ҳам унинг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Буни шу корхонада (фирмада, компанияда) уч йилдан ортиқ ишлаган ходимлар сонини меҳнат салоҳиятининг умумий миқорига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

**3.1-жадвал**  
**"Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги**  
**меҳнат ресурслари таҳлили<sup>11</sup>**

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш сурати %
1	Меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони	киши	58	65	67	2	103,1
2	Шу жумладан олий маълумотли мутахассислар	киши	6	7	7	0	100,0
3	Уларнинг улуши	%	10,34	10,77	10,45	0,96	97,0
4	Ўрта махсус маълумотли мутахассислар	киши	10	12	13	1	108,3
5	Уларнинг улуши	%	17,24	18,46	19,40	0,94	105,1

<sup>11</sup>Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган. "Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йил молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

6	Ўрта маълумотли ходимлар	киши	23	26	27	1	103,8
7	Уларнинг улуши	%	39,66	40,00	40,30	0,3	100,7
8	Ишчилар сони	киши	52	58	60	2	103,4
9	Ишчиларнинг улуши	%	89,66	89,23	89,55	0,32	100,4
10	Ишга қабул қилинганлар	киши	4	8	8	0	100,0
11	Ишдан бўшатирилганлар	киши	3	1	6	5	600,0
12	Шу жумладан салбий асослар билан бўшатирилган	киши	1	1	1	0	100,0
13	Меҳнат ресурси обороти, коэффициент (12к+13к):1к	-	0,12	0,14	0,21	0,07	150,9
14	Меҳнат ресурси қўнимсизлиги коэффициент (14к:1к)	-	0,02	0,02	0,01	0,00	97,0
15	Шу корхонада 3 йилдан кўп ишлаганлар	киши	27	29	27	-2	93,1
16	Меҳнат ресурси турғунлиги, коэффициент(17к:1к)	-	0,47	0,45	0,40	-0,04	90,3


Ушбу жадвал маълумотидан кўришиб турибдики корxonанинг хизмат кўрсатишдан тушган тушум 2017 йил 234737 минг сўмни 2018 йил 267327 минг сўмни ташкил этиб, 2018 йилдан 2017 йилга нисбатан 32590минг сўмга фарқ қилиб, ишловчиларнинг йиллик ўртача сони ўтган йилга нисбатан 2 кишига кўпайган.

3.1.1.- Диаграмма. Меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони<sup>12</sup>

<sup>12</sup>3.1.1 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



3.1.2- Диаграмма. Мехнат ресурси обороти, коэффиценти<sup>13</sup>



Юқоридаги диаграммадан кўришиб турибдики корхонада ишчиларнинг ишловчилар таркибида тутган салмоғи 2018 йилдан 2017 йилга нисбатан 103.1 фоизга кўпайиб, мехнат ресурси обороти 2016 йилда 0.12 фоиз, 2017 йил 0.14 фоиз, 2018 йил 0.21 фоизни ёки ўтган йилга нисбатан 150.9 фоизни ташкил этганга .

### 3.2."Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги иш ҳақи умумий ҳажми ва даражаси таҳлили.

Иш ҳақини таҳлил қилиш бевосита унинг йиғиндиси, даражаси ва харажатлардаги улуши ҳамда уларнинг ўзгаришини аниқлашдан бошланади.

<sup>13</sup>3.1.2 – жадвал аълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Иш ҳақининг умумий сўммаси бухгалтерия ва статистик ҳисоботларда ифодаланилади унинг даражаси иш ҳақи миқдорининг юзга кўпайтириб иш ҳажмининг миқдорига бўлинади[24].

Иш ҳақининг барча харажатлардаги улушини топиш учун иш ҳақининг миқдорини барча харажатлар ҳажмига бўлиб юзга кўпайтирилади

### 3.2-жадвал

#### "Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги иш ҳақи умумий ҳажми ва даражаси таҳлили<sup>14</sup>.

№	Кўрсаткичлар номи	Ул. бир-лиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2017 йилга нисбатан	
						Фарқ +/-	Узгариш
1	Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	М сўм	272155	234737	267327	32590	113,9
2	Ишловчиларнинг руйхатдаги ўртача йиллик сони	Киши	58	65	67	2	103,1
3	Шу жумладан ишлаб чиқариш билан банд бўлган ходимлар сони	Киши	52	58	60	2	103,4
4	Ишловчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи фонди	минг сўм	19050,85	16431,59	18712,89	2281,3	113,9
5	Соф фойда	М.сўм	2010	1141	2329,8	1188,8	204,2
6	Бир ишловчининг ўртача йиллик иш унуми	минг сум	4692,33	3611,34	3989,96	378,6	110,5
7	Бир ишчининг ўртача ойлик иш унуми1/3	минг сум	5233,75	4047,19	4455,45	408,3	110,1
8	Меҳнат ҳақи даражаси4/1	%	0.07	0.07	0.07	-	-
9	Меҳнат ҳақи фойдалилиги4/5	Сўм	9.47	14.4	8.03	-6.37	55.7
10	Ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 4/2/12 ойга	Сўм	27.3	21.06	23.27	2.21	110.5

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатишдан тушган тушум 2018 йилдан 2017 йилга нисбатан 32590минг сўмни , ёки 113.9 фоизни ташкил қилган.

3.2.1- Диаграмма. Хизмат кўрсатишдан тушган тушум ва ялпи даромаднинг ўзгариши<sup>15</sup>.


<sup>14</sup>Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган. "Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йил молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

<sup>15</sup>3.2.1 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



Корхона ходимларининг рўйхатидаги ўртача сони 2016 йилда 58 кишини, 2017 йилда 65 кишини, 2018 йилда 67 кишини ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 2 кишига кўпайган, яъни ходимлар 2 кишига ошган.

3.2.2- Диаграмма. Ишловчиларнинг руйхатдаги ўртача йиллик сони<sup>16</sup>.



Ходимларнинг ўртача йиллик иш хақи фонди 2018 йилда 18712,89минг сўмни ташкил қилиб, 2017 йилга нисбатан 2281,3минг сўмга, 113,9 фоиз кўпайган. Корхонада бир ишловчининг ўртача йиллик иш унуми ўзгариши қуйидагича ўзгаришга эга бўлган, яъни ишловчиларни ўртача йиллик иш

<sup>16</sup>3.2.2 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

унуми 2016 йилда 4692,33 минг сўмга , 2017 йилда 3611,34 минг сўм 2018 йилда 3989,96 минг сўмга ёки ўтган йилга нисбатан 378.6 минг сўмга ошган.

3.2.3- Диаграмма. Меҳнат унумдорлиги<sup>17</sup>.



Меҳнат ҳақи даражаси ўтган йилларга нисбатан ўзгармаган. Меҳнат ҳақи фойдалилиги 2018 йилдан 2017 йилга нисбатан 55.7 %ни ташкил этган. Ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи эса 110.5 % га ошган.

### **3.3."Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018йилларидаги молиявий натижалар ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили.**

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" да ифодаланишини, ҳар бир

<sup>17</sup>3.2.3 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

кўрсаткичнинг аниқланиш йўллари, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу мавзунини таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охириги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлари ўрганилади. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг қўлами анча кенгайган.

Молиявий натижаларни таҳлил қилиш, энг аввало, сотилган маҳсулотни ўрганишдан бошланади. Барча харажатларни қоплаб даромад олишдан таъминлайдиган кўрсаткич, бу – сотилган маҳсулот учун тушган пул тушумидир. Ундан қўшилган қиймат солиғи акцизларни тўла соф тушумни аниқлаш мумкин. Демак молиявий натижаларнинг асосий натижалари бу – сотишдан тушган тушумдир.

**3.3-жадвал**




**"Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги молиявий кўрсаткичлар тахлили<sup>18</sup>**

т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчо в бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Фарк и (+;-)	Ўзгариш суръати %
1	Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	мингсум	272155	234737	267327	32590	113,9
2	Сотилган махсулот таннархи	мингсум	117282	144135	130020	-14115	90,2
3	Ялпи даромад	мингсум	154873	120602	137307	16705	113,9
4	Давр харажатлари	мингсум	152655	119345,0	134963	15618	113,1
6	Маъмурий харажатлар	мингсум	180274	86132	37790	-48342	43,9
7	Бошқа операцион харажатлар	мингсум	32381	33813	0,0	-33813	0,0
8	Асосий фаолият фойдаси	мингсум	2218	1257	2344	1087	186,5
9	Умумхужалик фаолиятининг молиявий натижаси	мингсум	2218	1257	2344	1087	186,5
10	Солиқлар	мингсум	1976	852	1420	568	166,7
12	Соф фойда	мингсум	2010	1141	2329,8	1188,8	204,2

Кейинги жадвалдан кўришиб турибдики, "Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги молиявий натижалар тахлилини кўриб чиқсак, корхонада ўз кучи билан бажарилган ишлар хажми 2018 йилда 267327 минг сўмлик иш бажарилиб, 32590 минг сум утган йилга нисбатан кўп махсулот ишлаб чиқарилган ёки иш бажарилган. Бу курсаткичларни куйидаги диаграммадан куришимиз мумкин:


3.3.1- Диаграмма. Хизмат кўрсатишдан тушган тушум. Сотилган махсулот таннархи.

<sup>18</sup>Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган. "Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йил молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.



Маъмурий харажатлар 2017 йилга нисбатан -48342 минг сумга ёки 43.9 фоизга камайган. Асосий фаолият фойдаси , умумхўжалик фойдаси даромад солиги йилдан – йилга ошган. Бу кўрсаткичларни куйидаги диаграммадан кўришимиз мумкин:

3.3.1- Диаграмма. Умумхужалик фаолияти фойдаси. Солиқлар. Соф фойда<sup>20</sup>.



Корхонанинг соф фойдаси 2018 йилда ўтган йилга нисбатан 2329,8 минг сўмга ортган ёки 204,2 фоизни ташкил қилган.

### 3.3-жадвал

<sup>19</sup>3.3.1 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди  
<sup>20</sup>3.3.2 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди


**"Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги  
рентабеллик тахлили<sup>21</sup>**

№	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	2016 йил	2017 йил	2018 йил	Фарқи (+-)
1	Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	мингсум	272155	234737	267327	32590
2	Сотилган махсулот таннархи	мингсум	117282	144135	130020	-14115
3	Ялпи даромад	минг сум	154873	120602	137307	16705
4	Соф фойда	минг сум	2010	1141	2329,8	1188,8
5	Асосий воситаларни ўртача йиллик киймати	минг сум	62255	69072	88862	19790
6	Айланма маблағларнинг ўртача йиллик киймати	минг сум	2853,5	3919	6761	2842
7	Корхона мулки	минг сум	65108,5	72991	95623	22632
8	Уз маблағлари	минг сум	13587	29986	33809	3823
9	Карз маблағлари	минг сум	68547	214283	110941	- 103342
10	Махсулот сотиш рентабеллиги 4к/1к*100	%	0,74	0,49	0,87	0,39
11	Асосий воситаларнинг рентабеллиги 4к/5к*100	%	4,6	5,7	7,6	1,9
12	Айланма маблағларнинг рентабеллиги (4к/6к*100)	%	70,4	29,1	34,5	5,3
13	Сотилган махсулот таннархи рентабеллиги 4к/2к*100	%	1,7	0,8	1,8	1,0
14	Уз маблағлари рентабеллиги 4к/8к*100	%	14,8	3,8	6,9	3,1
15	Жами мулкка нисбатан рентабеллик 4к/7к*100	%	1,4	0,8	1,7	0,8
16	Умумий рентабеллик 4к/(5к+6к)*100	%	3,09	1,56	2,44	0,87
17	Карз маблағлари рентабеллиги 4к/9к*100	%	18,7	0,03	0,15	0,12

<sup>21</sup>Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқарилган. "Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йил молиявий ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонанинг 2016-2018 йиллардаги рентабеллигини тахлил килинган. Тахлил натижалари бўйича корхона соф фойдаси йилдан йилга ўзгариб борган, яъни 2016 йил 2010 минг сўми, 2017 йилда эса 1141 минг сўми 2018 йилда 2329,8 минг сўми ташкил килган. Бу кўрсаткичларни солиштирсак, 1188,8 минг сўмга ортган. Асосий воситаларни ўртача йиллик қиймати 2017 йилга нисбатан 19790 минг сўмга ошган. Корхона айланма маблағлари ўртача йиллик қиймати 2842 минг сўмга ортган. Бу кўрсаткичларни диаграммаси куйидагича:

3.3.3- Диаграмма. Ялпи даромад. Соф фойда. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати. Хизмат кўрсатишдан тушган тушум.<sup>22</sup>



Махсулот рентабеллиги 2018 йилда 0,87 фоиз бўлган. Асосий фондлар рентабеллиги 2017 йилда 5,7 ни, 2018 йилда 7,6 ни ташкил килган. Бунга сабаб асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини ва соф фойдани қийматини ортишидир. Айланма маблағлар рентабеллиги йилдан йилга кўрсаткичлари ўзгарган 2017 йилда 29,1 % ни, 2018 йилда эса 34,5% ни ташкил килган.

<sup>22</sup>3.3.3 – жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

## Хулоса ва таклифлар

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иш ҳақи ҳажмига бир қатор бозор ва бозордан ташқари омиллар таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида меҳнатга ҳақ тўлашга муайян даражаси вужудга келади. Бу омилларни ва уларнинг иш ҳақига таъсир кўрсатиш хусусиятини кўриб чиқишдан олдин ходимнинг иш ҳақидаги элементларни аниқ белгилаб чиқиш, қандай элементлар бозор конъюктураси таъсирига кўпроқ ёки озроқ даражада дуч келишини аниқлаб олиш зарур.

Кадрлар сиёсатида кўп нарса, биринчи ўринда ишчи кучидан қанчалик унумли фойдаланиш ва корхона фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш боғлиқ бўлади. Корхонада кадрлар ишчи, хизматчи, мутахассис ва раҳбарларга бўлинади. Раҳбарларга афзалликни бериш лозим. Тадқиқотлар ва амалиёт тажрибалари шунини кўрсатадики, корхона фаолиятининг самарадорлиги 70-80 % га корхона раҳбарига боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш билан корхоналар меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида катта мустақилликка эришдилар. Таҳлиллар натижасида шу нарса маълумки, бу даврга келиб корхоналар кўпроқ вақтбай-мукофотли ва тарифсиз ҳақ тўлаш, шунингдек, шартнома асосида ҳақ тўлашдан фойдалана бошладилар. Кадрлар, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалар ҳисобланади. Ҳар бир корхонада меҳнат ва иш ҳақи бўйича режа тузилиб, унинг мақсадлари ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш заҳираларини топиш ва шу асосда меҳнат маҳсулдорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу режаларга кўра, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш ҳақи суръатларидан тезроқ ўсиши лозим.

## **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. –Т.:“Ўзбекистон”, 2017–592 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.-Т.: Адолат, 2018 й.- 692 бет

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.

### **III. Махсус адабиётлар**

6. Зоҳидов А.А. Марказий Осиёда транспорт соҳасидаги тенденциялар ва уларнинг Ўзбекистон миллий манфаатларига таъсири // Олий мактаб Ахборотномаси. – Тошкент, 2014. – №26. – Б.15-21 (ОАК Раёсати қарори 30.09.2014, №208/3).

7. Зоҳидов А.А. Жамоат транспортида йўловчи ташиш хизмати сифатини баҳолаш мезонлари // Олий мактаб Ахборотномаси. – Тошкент, 2015. №1 (28), -Б.17-23 (ОАК Раёсати қарори 30.09.2014, №208/3). Абдукаримов И.Т ва бошқалар “Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили” Тошкент 2003

8. Икромов М.А., Зоҳидов А.А. Сравнительный анализ эффективности отдельных видов транспорта (на примере международных перевозок через ЦА) // Вестник гражданских инженеров. – СанктПетербург, – №2(27) 2011. – С.167-171.

9. Зоҳидов А.А. Енгил автотранспорт воситаларида шаҳарлараро йўловчи ташиш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби XI илмий-амалий конференция тўплами. СТИБОМ, 16 октябрь. – Тошкент, 2014. – Б.47-50.

10. Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт тизими: миллий манфаатлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Тошкент: СТИБОМ, 2014. – 174 б.
11. Абдурахмонов К.Х. ва бошқалар “Персонални бошқариш” Т, “Шарк” 2016
12. Ваҳобов А.Б. ва б. “Молиявий ва бошқарув таҳлили” Шарк:, Тошкент 2017
- 13.С.Ғуломов "Менежмент ва бизнес асослари", Тошкент. "Шарк", 2008 йил.
14. М.К.Пардаев, И.Т.Абдукаримов “Иқтисодий таҳлил” Т:,2011 йил
15. Х. Раҳимова ва бошқалар “Меҳнатни муҳофаза қилиш” Т, “Ўзбекистон” 2003
16. А.В.Ваҳобов “Молиявий ва бошқарув таҳлили” Т.2006 йил
17. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлл. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2016.
18. Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. Корхона иқтисодиёти: Маъруза матнлари – Т.: ТДИУ, 2018
19. Ақромов Э.А Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2013.-223 б.
20. Ғуломов С.С. ва бошқалар “Ходимларни бошқариш” Тошкент 2003
21. Ш. Зайнутдинов ва бошқалар “Персонални бошқариш” Тошкент 2008
22. Шарифхўжаев М.Ш, Абдуллаев Ё.А “Менежмент” Т, “Ўқитувчи” 2001
- 23.Ғуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Т: «Китоб», 2006
24. И.Абдукаримов "Молиявий ҳисоботни уқиш ва таҳлил қилиш йуллари" Тошкент. "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 2012й.
25. М.Баканов "Теория экономического анализа" Москва. "Финансы и статистика", 2011 год.
- 26.В.Беганов "Особенности бухгалтерского учёта в акционерных обществах", Ташкент. "Мир экономики и права", 2013 год.

27. "Ягуар Сервис" шўба корхонасининг 2016-2018 йиллардаги фаолияти кўрсаткичлари.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

28. [www.gov.uz](http://www.gov.uz). (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)

29. [www.mf.uz](http://www.mf.uz). Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги

30. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси)

31. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси)

32. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com)